БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 176 (3658). | Чоршанба, 6 Сентябрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VIII ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

5 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленум кун тартибининг иккинчи масаласини кўриб чиқишга ўтар экан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. АНИСИМКИНнинг «КПСС XXIII съезди қарорлари асосида саноатда, қурилишда, транспортда ва алоқа органларида илмий техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида республика партия ташкилоти олдида турган вазифалар» тўғрисида қилган докладини тингланди.

Докладни муҳокама қилишда қуйидагилар қатнашдилар: Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. ОКУНСКИЙ, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. ҲАИДАРОВ, республика қурилиш министри С. ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон ССР Министрлар совети раисининг ўринбосари, Госплан раиси С. ЗИЁДУЛЛАЕВ, Тошкент область партия комитетининг секретари К. БЕКАЕВ, Тошкент авиация заводининг директори К. С. ПОСПЕЛОВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Ҳ. НОСИРОВ, Қорақалпоғистон АССР Министрлар советининг раиси Е. АЙТМУРАТОВ, Самарқанд область партия комитетининг секретари И. К. ТИТКОВ, Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари Э. ВАЛИЕВ, республика пахта тозалаш саноати министри Ф. ХЎЖАЕВ.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми ўз ишини тугатди.



„ОҚ ОЛТИН"ИМИЗ ОНА-ВАТАНГА

БЎКА (Телефон орқали олинди). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейини улкан «оқ олтин» хирмонлари яратиш билан кутиб олишга аҳд қилган бўкалик пахтакорлар шу кунларда йиғим-терим ишларига қизғин киришиб кетдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Советининг йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўриш тўғрисидаги қарори асосида мавсумга катта тараддуд кўрган эдилар. Шунинг учун ҳам райониинг илғор хўжаликларида дастлабки кунларданоқ терим суръати жадаллашаяпти.

Пахта теримига районда биринчилар қатори киришган «Кўкорол» совхозидаги Т. Файзиев, М. Ризақулов ўртоқлар бошлиқ участкаларининг деҳқонлари ҳозирнинг ўзидаёқ хирмонни анча баракали қилиб қўйишди. Чевар теримчилар ҳар куни эл хирмонига 150—170 килограммдан «оқ олтин» тўкишаяпти. Райондаги «Партия XX съезди», «Ленинобод» колхозларининг кўпчилик звеноларида йиғим-терим дастлабки кунларданоқ авж олдирилаяпти.

Бўкалик пахтакорлар Ватан омборига юбилей йилининг дастлабки «оқ олтин» қизил қарвонини жўнатиш учун шу кунларда хирмон баракасига барака қўшишмоқда. Эрта-индин она-Ватан Бўка ерларида етиштган юбилей ҳосилининг дастлабки бир неча юз тоннасини қабул қилиб олади.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Республикамизнинг йирик сабзавоткор райони — Калинин районининг колхозлари шаҳар меҳнаткашларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етказиб бериш учун курашиб меҳнат соҳасида катта ютуқни қўлга киритдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақа барча колхозларда кучайтирилди. Пешқадам хўжаликлар бу мусобақада голиб чиқиш учун астойдил курашдилар. Шундай қилиб район колхозлари сентябрь ойининг дастлабки кунларидаёқ давлатга сабзавот етказиб бериш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Пландаги 29385 тонна ўрнига 29531 тонна сабзавот етказиб берилди. Районда мева тайёрлаш плани 123 процент адо этилди.

Йиллик планни муваффақиятли адо этишда «Москва», Орджоникидзе номли, «Партия XX съезди», Охунбобоев номли, Ильич номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозлари катта ҳисса қўшдилар. Бу колхозлар пландан ташқари 2633 тонна маҳсулот етказиб бердилар.

Районда юбилей шарафига бошланган мусобақа кун сайин қизғин тус олмоқда. Район хўжаликлари байрам шарафига пландан ташқари 15 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилдилар.

Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда терим қизғин. Суратларда: (юқоридан пастга) участка бошлиғи Д. Жуманов ва колхозчи Қ. Башоров ўртоқлар терилган пахтанинг сифатини кўздан кечирмоқдалар. Теримда пешқадамлик қилаётган чевар теримчилардан Л. Олимова, Б. Эралиева ва Х. Бўтабоева ўртоқлар. Хўжаликнинг 6-участкасида терилган пахтани прицепга юклаш пайти.

Н. Тўраев фотолари.

ПЕШҚАДАМЛАР



Деҳқон меҳри билан бунёдга келган ва кенг далаларда чаман-чаман очилган оппоқ пахта кўзни қамаштиради, ҳавасингизни келтиради. Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда шундай манзара. Айни кунларда пахтазорлар колхозчилар билан яна обод ва гавжум бўлиб бораяпти. Ҳарорат ва маҳорат билан ишлаётган меҳнат аҳлари далаларга яна жон киргизиб юборганлар. Юбилей йилида меҳр билан парвариш қилиб етиштирилган ҳосилни териб олишга биринчилар қаторида киришганлар. Чевар теримчилар, 10 минг килограммчилар ҳаракатига қўшилган пешқадамлар майдонда жавлон урмоқдалар.

Бу колхоз аъзолари юбилей йилида ажойиб ташаббус бошлашган. қардош Тожикистоннинг Регар районидаги Ленин номли колхоз билан мусобақалашиб ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун бел боғлаган эдилар. Улар айни кунларда ўша сўзимиз сўз, аҳдимиздан қайтмаймиз, сўзимизнинг устидан чиқамиз деб зўр ғайрат билан пахта теримини қундан-кунга қизитмоқдалар.

Колхозда 1400 гектар пахта майдони бор. План бўйича гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, 4100 тонналик хирмон кўтариш мўлжалланган эди. Ҳозир эса 5600 тонналик «оқ олтин» хирмони кўтариш учун астойдил кураш кетмоқда.

Пахта теримини биринчилар қатори бошлаган Р. Йўлдошев бошлиқ участкада йиллик пахта тайёрлаш плани 9 процент, Т. Темиров бошлиқ участкада 8 процент бажарилди. М. Комолов, Т. Боймирзаев сингари ўртоқлар бошлиқ участкаларда ҳам терим суръати кун сайин жадаллашмоқда.

Илғор теримчиларнинг кундалик иш натижалари ҳам кишини қувонтиради. Ўн минг килограммчи теримчилардан Халимахон Бурашова бир кунда 110 килограммгача етказиб пахта териб чеварларнинг қарвон бошиси бўлиб қолди. Унинг издошлари Дариха, Пўлатона, Башорат Эралиевалар ҳам шу кунларда икки юз килограммдан ошириб пахта термоқдалар. Турсун Тўраева, Марҳамат Холматова, Сора Омоноваларнинг бир кунда терган пахтаси 105—108 килограммга етади. Колхозда бундай чевар теримчилар сони 120 кишидан ошади.

— Ниятимиз сентябрь ойида йиллик планнинг 66 процентни миқдорида пахта тайёрлаш, 10 октябргача йиллик планни бажариш,—деди колхоз раиси Ўсар Жўраев.

Колхозда теримчи аёлларга қулай шароит яратилган, дала шийпонларида 10 та болалар яслиси, участкаларда 5 та боқча ишлаб турибди.

Маълумки, бу колхознинг талайгина ерлари паст-баланд қия ерлардан иборат. Шунга қарамай 1000 тонна пахтани машина билан териш планлаштирилган. Бунинг учун 24 та пахта териш машинаси тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. Машина билан пахта теришга ажратилган далалардаги ғўза баргини тўкиш учун дефолиация қилиш бошлаб юборилди. Машина ва қўл билан терилган пахтани пешма-пеш ташиб олиш учун 50 прицеп қабул қилинган пахталарни хирмондан прицепларга ортиб берадиган 10 та машина тайёр.

Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоларининг ниятлари, умидлари юбилей йилида маррага районда биринчилар қаторида етишдан, юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришдан иборат. Улар шунинг учун отни барвақт қамчиламоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТУҲФА

Юбилейни муносиб кутиб олишга интилаётган Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи йил бошидан буён зўр ғайрат билан ишламоқда. Коллектив икки квартал мобайнида СССР химия саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Шу кунларда кимёгарлар ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, юбилей шарафига йиллик пландан ташқари яна минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Шу мақсадда социалистик мусобақа тобора қизғин тус олдирилмоқда. Бу ерда материалларни иқтисод қилиш, тежамкорлик учун кураш кучайтирилмоқда. Юбилей йилида улар камида 600 минг сўм маблағни ихтирочилик таклифлари ҳисобига тежаб қолиш ва Октябрь шарафига 15 миллион киловатт-соат электр қувватини иқтисод қилишга интилмоқдалар. Комбинатда пешқадамлар учун иккита қизил байроқ, 10 та вимпел ва пул мукофотлари таъсис этилган. Мусобақанинг дастлабки якунида С. Форбер бошчилик қилаётган биринчи ва О. Илёсов раҳбарлик қилаётган учинчи цех коллективлари голиб чиқишди. Аппаратчилардан З. Полиенко, Ш. Усмонов, Турдивали Эшонқулов, Раҳматилла Нурхўжаев сингари ўртоқлар ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Байрамни муносиб совғалар билан кутиб олиш йўлида бошқа ишчилар ҳам юксак меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ХЎЖАКЕНТЛИКЛАР ТОРТИҒИ

Юбилей вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётган Орджоникидзе районидаги 14-«Хўжакент» совхозининг механизаторлари ғувончли муваффақиятларга эришмоқдалар. Кунигача совхоз деҳқонлари давлатга сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш йиллик планини анча ортиғи билан бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар. Эл дастурхонига пландаги 530 тонна ўрнига 560 тонна турли хил сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилинди.

Хўжалик далаларида ҳали ҳосил кўп. Деҳқонлар ана шу ҳосилни чамалаб кўриб, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига давлатга пландан ташқари яна 300 тонна сабзавот етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

И. ИУЛДОШЕВ.

ПАТИЖА ҒУВОНЧЛИ БЎЛАДИ

Турсунқул Тўлаев бошлиқ звено аъзолари ҳозирги кунларда йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўришяпти. Биз звено ғўзаларини кўздан кечирамиз. Ҳар бир тупида шингилгил кўсак. Салмоқли кўсаклар чаноқ ёриб, «оқ олтин» дурдоналарини кўрсатиб турибди. Дала кезиб юрган Турсунқул Тўлаев билан суҳбатлашдик.

— Ҳар йили ҳам баракали хирмон кўтарамиз. Аммо бу йилги ҳосилимиз ўтган йилгадагига нисбатан анча кўп бўлади. Чунки биз юбилей йили вахтасида туриб мажбуриятимизни ошириб бажаралиган миқдорда ҳосил тўплаш учун астойдил меҳнат қилдик. Звено аъзоларимиз ўзларига бириктирилган майдонлардаги кўчатларни меҳр билан парвариш қилишди. Ҳосил тақдири учун кураш кучайтирилди. 47 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландагига 23 ўрнига 27 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан мусобақа авж олди. Ҳалол меҳнат зое кетмади, биз ҳар гектардан 30 центнердан ҳосил оламиз.

Звено бошлиғининг айтишига қараганда шу кеча-кундузда йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Майдонлар бегона ўтлардан тозаланган. Терим агрегати шай. Звено бошлиғининг ўзи агрегат рулига ўтириб юз тонна пахта теришга сўз берган.

Ҳар звено ўтган йили ҳам биринчилар қаторни йиғим-теримни тамомлаган эди. Ҳар гектар майдондан 27 центнердан хирмон кўтариб, зиммага олган мажбуриятни шараф билан бажаришганди. Звено аъзолари бу йил ҳам планни барвақт бажариш ва даладаги барча ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмасдан қисқа муддатларда йиғиштириб олишга аҳд қилишган. Улар яқин кунлар ичида йиғим-теримни ёппасига бошлаб юборишади.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
Оққўрғон. Ҳамид Олимжон номли колхоз.

СИФАТЛИ ВА ТЕЖАМЛИ

Тошкентдаги подшипник заводи коллективи фақат республикамиздагина эмас, қардош Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Киргизистонга ҳам кўплаб турли хил подшипникларни етказиб бермоқда. Заводга келаётган буюртмаларнинг кўплигига сабаб бу ерда тайёрланаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишидадир.

Корхонада тежамкорлик учун кураш кенг йўлга қўйилган. Биргина мастер Х. Абдураҳмоновнинг таклифи ҳозиргача 30 тонна металлни тежаб қолиш имконини берди. Ҳаммаси бўлиб корхона ихтирочилари 40 минг сўмга яқин маблағни тежаб қолдилар.

Фақат уларгина эмас, заводнинг ҳар бир ишчиси бу курашга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётир. Улар орасида кунлик нормани икки-уч ҳисса оширибгина қолмай, бажараётган фидокорлар анчагина. А. Улимбеков, М. Ғуломов, М. Аҳмедов кабилар юксак ахдга яраша меҳнат қилмоқдалар.

Э. ҚОДИРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

Жаҳон янгиликлари

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ 30-ТОМИ МОНГОЛ ТИЛИДА

УЛАН-БАТОР. Бу ерда В. И. Ленин асарлари тўпламининг монгол тилига таржима қилинган 30-томи босмадан чиқди.

Нашр Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти томонидан тайёрланган.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

ГАВАНА. Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилиш комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитетининг ташкилий масалалар билан шуғулланувчи секретари Армандо Харт Давалос комиссияга бошчилик қилади.

ПЕРИН ЎЛКАСИДА ТАНТАНАЛАР

СОФИЯ. Благоевград округида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантаналар икки кун давом этди. «Предел» номи билан донг таратган ҳуш манзара жойда округнинг минг-минглаб меҳнаткашлари серқуёш Перин ўлкаси халқ рақслари ва қўшиқларини кўргани ва эшитгани тўпланди. Мана шу катта ва ажойиб байрамда бадиий хаваскорлик коллективларининг етти ярим мингдан ортиқ қатнашчилари томоша кўрсатди. 135 нажрочига олтин, кумуш ва бронза медаллар берилди.

СОВЕТ КЎЧМА ВИСТАВКАСИ

БЕЛГРАД. Срем Ске-Карловци шаҳрида машина трактор паркини ремонт қилишда ишлатиладиган совет техника машина ускуналари кўчма виставкаси намойиш қилинмоқда. Дала шароитларида ишлаш учун қишлоқ механизаторларига зарур бўлган ускуналар, станоклар, асбоблар, ўлчов асбоблари автобусларга, автомашиналарга ўрнатилган. Виставкада Минск заводида ишлаб чиқарилган «Белорусь» тракторларининг энг янги типлари ва бошқа техника ҳам қўйилган. Яқин атроф шаҳарларидан мутахассислар, ишчилар ва хизматчилар виставкага келмоқдалар.

— Бу чет эллик дўстларимизга намойиш қилинаётган шу хилдаги виставкаларнинг биринчисидир,— деди ТАСС мухбирига виставка раҳбари В. Н. Бичков.— Югославиядан сўнг виставкани Венгрия ва Чехословакияга олиб борамиз.

СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИ ҲАФТАЛИГИ

БУДАПЕШТ. Венгриянинг бир қанча йирик шаҳарларида Совет фани ва техникаси ҳафталиги ўтмоқда. Будапештда Совет Иттифоқининг илмий техника ютуқлари виставкаси очилди. Шу муносабат билан Венгрияга келган атоқли совет олимлари ва мутахассислари совет фани ва техникасининг энг муҳим проблемалари юзасидан 50 дан ортиқ докладлар қиладилар.

МАРШАЛ АМИР ҚАМОҚДА

ҚОҲИРА, 4 сентябрь. (ТАСС). МЕН агентлигининг «Алаҳром» газетасига асосланиб хабар беришича, БАРнинг собиқ биринчи вице-президенти ва қуролли кучлар бош қўмондонининг ўринбосари Абдул Ҳаким Амир уйидан чиқарилмай қўйилган. Айни вақтда БАРнинг масъул маъмурлари 50 та катта офицер ва граждан шахслари, шу жумладан собиқ ҳарбий министр Шамсиддин Бадронни ҳам камоққа олганлар.

«Алаҳром» ёзишича, камоққа олинган офицерлар истеъфога бўшатилган. маршал Амирни зўравонлик билан БАР қуролли кучлари бош қўмондонининг ўринбосари лавозимига тиклаш планини ишлаб чиққанлар. Улар бу планни 27 августда амалга ошириш ва сўнгра президент Носирга бир қанча қатъий талаблар қўйиш ниятида бўлганлар. Шундай қилиб, деб ёзади газета, «Амир ва унинг тарафдорлари Миср халқи давлати ва қуролли кучлари манфаатларининг зарарига иш кўрганлар. Газетанинг хабарига кўра, маъмурлар Амир қарорғоҳидаги қуролларни мусодара қилганлар. Президент Носир бу ишни синчиклаб текшириб чиқиш тўғрисида фармойиш берди. Текшириш натижаларини кўриб чиқиш учун махсус трибунал тузилади.

СУВАЙШ КАНАЛИ ЗОНАСИДА ИСРОИЛНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

ҚОҲИРА, 4 сентябрь. (ТАСС). Бугун Сувайш канали зонасида Исроил билан Миср қуролли кучлари ўртасида тўқнашув бўлди, деб хабар берди Қоҳира радиоси. Радионинг хабарига кўра, Исроил агрессорлари ўз ҳарбий катери, баржаси ва шатакчи кемасини Сувайш каналидан олиб ўтмоқчи бўлиб, Сувайшдаги Порт-Товфиқдаги Миср позицияларига қарата ўт очганлар. Миср қўшинлари жавоб ўти очганлар.

КОММУНИСТИК ГАЗЕТА БАЙРАМИ

ПАРИЖ, 4 сентябрь. (ТАСС). Кеча Вилье—Моргон шаҳрида «Терр» («Ер») номли коммунистик газетанинг халқ байрами зўр муваффақият билан ўтди.

2 минг дан ортиқ киши қатнашган митингда Франция Компартияси Сиёсий Бюросининг аъзоси Жак Дюкло катта нутқ сўзлади.

ҚИСҚА ХАБАР

ЛОНДОН, 4 сентябрь. (ТАСС). Лондонда «Маркс, Энгельс ва Ленин илмий коммунизм тўғрисида» деган китоб ва КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» тезислари брошюраси босилиб чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VIII ПЛЕНУМИ

ПАХТА ҲАМ, ДОН ҲАМ МЎЛ БЎЛСИН!

ЎРТОҚ Н. М. МАТЧОНОВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми 4 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчоновнинг «Республика колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилди.

Шу масала юзасидан музокараларни Ғаллаорол район партия комитетининг биринчи секретари **И. Хидиров** бошлаб берди.

Ғаллаорол районининг ғаллакорлари, деди у, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирланиб, давлатга дон топшириш ва сотиш план-заказини муддатидан олдин бажардилар. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёздирилганлиги, ўрим ишлари пухта ўйлаб уюштирилганлиги, энг яхши ғаллакорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кўрилганлиги туфайли ғалла ўрими муддатлари икки баравар қисқартирилди. Карл Маркс номли, 2-«Ғаллаорол», 1-«Ғаллаорол» совхозларининг, Ленин номли, «Победа» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг ғаллакорлари дон тайёрлаш планини бажариш ишига катта ҳисса қўшдилар. Коммунистлар билан комсомоллар долзарб кунларда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Ғаллаорол райони лалмикор ерларда жойлашган. Дон етиштириш жиҳатидан районимиз республикада етакчи ўринлардан бирида турибди. Ғалла етиштиришни кўпайтиришга район коммунистлари энг кўп эътибор бермоқдалар. Бу — катта ва масъулиятли вазифадир. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларнинг партия комитетлари Ғаллаоролнинг барча меҳнаткашлари мутахассислар билан биргаликда бу соҳада конкрет тадбирлар ишлаб чиқишди.

Чопиқ қилинадиган алмашлаб экишни янгилаш ҳисобига деҳқончиликнинг умумий маданиятини ошириш зарурлигини ҳисобга олиб, биз 60 минг гектардан ошиқ ерни қўшимча равишда ўзлаштиришимиз ва қишлоқ хўжалик оборотига киритишимиз лозим. Шартли суғориладиган ерларда ғаллазорларни кўпайтиришнинг катта резерви бор, бу резервдан фойдаланмоқ учун булоқларни тозалаш ва ҳовузлар барпо этиш ишларини бажариш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари кузги буғдойни эгат олиб экиш усулини кенг жорий этиш ва минерал ўғит солиш ҳисобига ҳам дон етиштиришни кўпайтириш имконияти бор.

Бундан ташқари мана шу мақсадлар учун қишлоқ хўжалик техникаси — ҳайдов тракторлари, комбайнлар сеялкаларни кўпайтириш зарурати ҳам келиб чиқмоқда.

Дон етиштиришни кўпайтириш кўп жиҳатдан биз, қишлоқ коммунистларига боғлиқ. Шу сабабли район партия ташкилотлари ана шу масъулиятли вазифани бажармоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Фарғона областининг қишлоқ хўжалик ходимлари деди Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Ш. Шамсиддинов**, — пахта, пилла етиштиришни ривожлантиришда бошқа баъзи тармоқларни ривожлантиришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Лекин шундай бўлса ҳам колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг айрим тармоқлари ҳалигача орқада қолиб келмоқда ва норентабель ишламоқда. дон экинлари етиштириш ва дон хўжалиги айниқса қолоқ соҳа бўлиб қолаётир.

Дон экинлари баъзан кам ҳосил, аслида шартли суғориладиган тошлоқ ерларга экилмоқда. Доннинг катта қисми экилаётган Марказий Фарғонанинг янги ўзлаштирилган ерларида сув етишмай, ғалла зовур усулида суғорилмоқда. Шоли ҳам шундай аҳволга ташлаб қўйилган. Буғдой ва арпа экилган майдонларга минерал ўғит ажратиш планлаштирилмайди, маккажўхори экилган ҳар гектар ерга эса, жуда оз минерал ўғит берилади. Областдаги колхоз ва совхозлар ҳосилни йиғиштириб олиш учун керакли механизмлар билан дуруст таъмин этилмаган.

Областда дон етиштиришни кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятларни аниқлаш юзасидан катта иш қилинди. Белгиланган тадбирлар ердан, сув ресурсларидан тағин ҳам рационал фойдаланишни, дон экинларининг ҳосилдорлигини ҳар томонлама оширишни кўзда тутади.

Областда бошоқли экинлар адрлардаги кам қувват ерларга, дарахтларнинг ораларига экилади. Ана шу ерларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Келгуси йилдан бошлаб беданинг ҳаммаси буғдой ва арпа билан қўшиб экилади ва бу жойларда асосан дон етиштирилади. Кузги ғаллани минерал ўғит билан озиқлантириш, эрта баҳорда бороналаш ва бошқа бир қанча агротехника усулларини амалга ошириш белгиланмоқда.

Колхоз ва совхозлар ишлаб чиққан тадбирларда дон етиштиришни 1968 йилда 48 минг тоннаға етказиш кўзда тутилган.

Область етиштириб берадиган доннинг катта қисми шолидан иборат бўлади. Областда Фрунзе номли ихтисослаштирилган шоликорлик совхози ташкил этилди. Аммо, шу хўжаликни қуриш вақтида биз бир қанча қийинчиликларга дуч келдик. Бу қийинчиликларнинг бири шуки, Сирдарёдаги сув камайиб кетганлиги ва каналли тозалаш учун керакли землесосларнинг йўқлиги сабабли Абдусамад насос станциясининг биринчи навбати совхоз далаларига сув чиқариб бера олмади. Шунинг учун биз Катта Фарғона каналидан совхозга сув беришга мажбур бўлдик. Совхоз ерларини мелиорациялаш масалалари ҳал этилган эмас.

Совхоз ишчилари учун нормал турмуш шароити яратиб бериш масалалари ҳам ҳал бўлмай турибди, бу эса хўжаликдаги кадрларнинг муқим ўрнашиб олишига сабаб бўлади.

Ишчи кучи етишмаганлиги сабабли биз совхоз ерларининг бир қисмини бошқа совхозларга бериб юбордик.

Бошқа хўжаликларда бўлгани каби бу совхозда ҳам шолини механизмлар ёрдамида ўриб олиш, уни тозалаш масалалари шу вақтга қадар бир ёқли қилинган эмас. Шунинг оқибатида шоли ўз вақтида ўриб олинмай, дон кўп миқдорда нобуд бўлмоқда ва сифати бузилмоқда.

Областнинг колхоз ва совхозларида дон етиштиришни кўпайтириш учун сув хўжалиги қурилиши, хўжаликларни моддий техника воситалари билан таъминлаш, шошилинч ташкилий чоралар кўриш жуда зарур.

Қашқадарёда пахтачилик ва чорвачилик билан бир қаторда дон хўжалиги жуда катта ўрин олади, деди Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **С. Асомов**. Бу ерда 250 минг гектардан ортиқ майдонга донли экинлар экилади. Область йилига 150-160 минг тонна бошоқли донли экинларни узлуксиз етиштириб бериши учун ҳамма имконият борлигини кўп йиллик маълумотлар кўрсатиб турибди.

Энг йирик ғаллакор районлар, колхозлар ва совхозларнинг тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, лалми ерлардан тўғри фойдаланилган тақдирда энг ёмон, қурғоқчил йилларда ҳам дуруст ҳосил олиш мумкин ва бинобарин хўжаликлар рентабель бўлиши турган гап. Биз ҳозир дон хўжалигини ташкил этиш масалаларини ва унинг асоси — бригадага алоҳида эътибор бериш зарур. деб ҳисоблаймиз. Областда ўтказилган текширишда маълум бўлишича, дон топшириш учун масъул бўлган кишилар — трактор бригадаларининг бошлиқлари, механизаторларнинг кўпчилиги ишнинг бошқа соҳаларида, яъни пахтачилик ёки чорвачиликда ишни барбод қилган кишилардир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, кадрларни жой-жойига қўйиш иши билан пухтароқ шуғулланмоқ керак.

Комсомол ғаллачиликни ўз оталиғига олган 1964 йилнинг тажрибасидан шу нарса маълумки, бир йилда икки йиллик дон учун курашган бригадаларга ишчан, софдил ва ҳалол кишилар танлаб олинганлиги яхши натижалар берди. Биз ҳозир ҳам ғаллакор бригадаларга энг яхши коммунистларни юбормоқдамиз. Бу нарса ҳал қилувчи омил ҳисобланади, албатта, Қамаши районидаги Карл Маркс номли колхознинг тажриба даласида Қашқадарё области лалмикор хўжаликлари учун агротехника масалалари ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда тўпланган тажриба бошқа колхоз ва совхозларда кенг суратда қўлланиладиган бўлади.

Жаҳон практикаси билан Совет Иттифоқидаги практикада лалми зонада ишлайдиган трактор ва машиналарнинг кўпгина яхши конструкциялари ишлаб чиқилганлиги маълум. Бундай машиналар ҳозир ишлаб чиқарилмоқда ва «Сельхозтехника» органлари билан Қишлоқ хўжалик министрлигининг эътиборини ана шу нарсага жиддий равишда қаратиб ўтмоқ керак. Ҳозир ихтиёримизда бўлган техника билан лалми ерлар айниқса энг нам ерларни ишлай олмаймиз, натижада ана шу ерлар йилдан-йилга фойдаланилмасдан қолиб кетмоқда. Бизнинг фикримизча бу масалага зўр диққат беришга молик масаладир.

Бу йил унчалик қулай келмади, деб таъкидлади Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Маҳмудов**. Бироқ бу ноқулайлик илғор агротехника талабларини бажариш учун ҳамма ишларни қилмаган, суғориладиган ерларда дон етиштиришга етарли эътибор бермаган ғаллакор районлар, колхозлар ва совхозлар учун важ бўла олмайди. Бошоқли донли экинлар ҳосилини тайёрлаш плани кўнгилдагидек бажарилмаётганлигини ҳеч қандай важ билан изоҳлаб бўлмайди.

Ҳозир хўжаликлар маккажўхори донини йиғиштириб олмоқдалар, мўл шоли ҳосилини ўришга ҳозирлик кўрмоқдалар. Колхоз ва совхозлар ушбу пленум арафасида лалми ерларда ҳам, суғориладиган ерларда ҳам дон етиштиришни анча кўпайтиришга доир ўз таклифларини тақдим этишди. Биз донли экинлар етиштириш агротехникасини яхшилашни, дон етиштиришни кўпайтиришга қаратилган катта-катта ташкилий чораларни амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Суғориладиган ерларда дон етиштирувчи ихтисослаштирилган бригадаларнинг, ишлари кенг кўламда ташкил этилади. Районлар ва хўжаликларнинг партия ташкилотлари бу ишга бевосита бошчилик қиладилар. Суғориладиган ерларда бир йилда икки йиллик дон ҳосили олиш учун ёшлар бригадаларининг ҳаракати қўллаб-қувватланади. Бундай коллективларнинг раҳбарларини тайёрлаш ва ўқитиш учун бир қанча тадбирлар белгилаётирмиз. Донли экинларни суғориш учун сел сувларидан фойдаланишни ҳам ўйлаб турибмиз.

«Пахтаорол», 1-«Боёвут», «Гулистон» совхозлари ва бошқа хўжаликлар донли экинларни бошқа экинларга қўшиб экиш юзасидан орттирган тажриба бизнинг шароитимизда шу майдонлардан гектар бошига 20-25 центнер ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Тўғри, бунинг учун ерларни тайёрлаш соҳасида қўшимча чораларни амалга ошириш лозим бўлади. Шуни айтиш керак-ки, кўпгина колхоз ва совхозлар энг кам ҳосил, яхши текисланмаган, сувли участкаларга дон экмоқдалар. Шундай бўлгач, ерларни олдиндан текисламай ва шўрини ювмай, қўшимча зовурлар, суғориш шоҳобчалари қазимай туриб, зарур миқдорда минерал ўғитлар солмай туриб, бундай майдонларда дондан тузук ҳосил олиб бўлмайди. Бу майдонларнинг ҳосили кўпинча лалми ерлардагидан ҳам паст бўлади. Шу сабабли бизнингча, колхоз ва совхозларни ер текислайдиган махсус машиналар билан таъминлаш лозим, шундай қилингандагина суғоришнинг сифати яхшиланади, шўрхок ерларнинг шўри ювиладиган бўлади.

Келгуси йилда Мирзачўл районидаги суғориладиган ва мелиорация жиҳатидан тайёрлаб қўйиладиган анчагина ерларга бошоқли экинлар экиш мўлжалланмоқда. Бу жойларда экинларни сунъий ёмғир ёғдириш усулида суғориш маъқул бўлади. Пахтаорол ва Киров районларида яхши жорий этилган бундай суғориш усули ерни бир текис намлаб беради, меҳнат сарфини кескин камайтиради, сувни тежайди.

Сирдарё областининг партия ташкилоти барча меҳнаткашлари областнинг Ленин ордени билан мукофотланганлигидан руҳланиб, юбилей йили учун олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш ва пахта, дон ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг пухта заминини яратиш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Муртазоев** пленумга қуйидагиларни маълум қилди: область колхозчилари ва совхозларнинг ишчилари ғалла тайёрлаш топшириғини бажариб. сентябрь ойининг бошларигача пландан ташқари 3.7 минг тонна буғдой ва арпа бердилар.

Область хўжаликлари дон ҳосилдорлигини янада ошириш, ғаллани тўғри ўриб ва янчиб олишни уюштириш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Лекин ғаллани суғориш пахтанинг авжи сувга чанқоқ бўлган даври билан бир вақтга тўғри келиб қоладики, шунда айниқса экинларни тиғиз қилиб эккан шароитда дондан мўл ҳосил олиш муайян қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликларни енгмоқ учун сув ресурсларини ишлатишда эпчил, оператив бўлиб биринчи ҳосилни йиғиб олишни ва экинлар экишни тўғри уюштириш лозим бўлади.

Етиштирилган пахтани йиғиштириб олишнинг долзарб кунлари бошланган пайтда 4 миллион тонна «оқ олтин» учун қизғин кураш бораётганлигини қишлоқдаги ҳар бир меҳнаткаш билади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Республика ҳукуматининг Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларга қарата чиқарган мурожаатига жавобан область партия ташкилоти пахта теримида қатнашаётган колхозчилар ва совхоз ишчилари учун зарур маданий-маиший шароитнинг ҳаммасини яратиб қўйишга ғоят жиддий эътибор бермоқда. Бошланғич партия ташкилотлари меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаш қандай йўлга қўйилганлигини, медицина ва савдо хизматининг аҳволини контроль қилишни кучайтирдилар.

Юбилей йили шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқ учун ҳар биримиз юксак партиявий интизом ишда оперативчилик ва пухталик кўрсатишимиз лозим.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайхов** сўз олади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республикада дон етиштиришни янада кўпайтириш масаласини муҳокама қилаётганлиги жуда катта аҳамиятга эга деди у. Партия ва ҳукумат, бутун халқ мамлакатнинг ғалла ресурсларини кўпайтиришни об-ҳаво шароитидан қатъий назар муттасил мўл ҳосил олишнинг резервларини қидириб топмоқдалар.

Бу йил пойтахт области ғалла тайёрлаш давлат планини 145 процент бажарди. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оржоникидзе районларининг хўжаликлари энг кўп миқдорда дон бердилар.

Катта-катта майдонлар саноат эҳтиёжларига ажратиб берилаётганлиги ва бошқа сабабларга кўра, Тошкент области колхозларидаги лалми ерларда дон етиштиришни кўпайтириш чекланиб қолганига қарамай шундай натижаларга эришилди. Шу сабабли областда деҳқончиликнинг самарадорлигини ошириш ишланаётган ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулот миқдорини кўпайтириш дон етиштиришни оширишнинг асосий йўли бўлиб қолди.

Областнинг колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўлларини белгилаб, 1968 йилда 155 минг тоннага яқин дон етиштиришни мўлжалламоқдалар. Дон етиштиришнинг ана шу ҳажмига эришмоқ учун донли экинлар ҳосилдорлигини ошириш, агротехника тадбирларининг бутун бир комплексини ўзлаштириш лозим.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1968 йилда суғориладиган ерлардан 32 минг гектарига донли экинлар экилади. Дон ялпи ҳосилининг ярмидан кўпроғини ана шу ерларда етиштириб олиш мўлжалланмоқда. Шуни айтиб ўтиш даркорки, беш минг гектар суғориладиган ерда аввал кузги арпа ва жавдар экилиб уларнинг ҳосили йиғиштириб олингач, силос учун маккажўхори ва бошқа кечки экинлар экиш усули биринчи марта қўлланилади.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида муттасил мўл ҳосил берадиган экин — шоли етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Етти йиллик мобайнида областда шоли етиштириш икки баравар кўпайди ва бу йил салкам 35 минг тонна шоли етиштирилади. Ихтисослаштирилган шоликор «Октябрь 46 йиллиги» совхози ташкил этилганлиги шоли етиштиришни кескин кўпайтиришга ёрдам берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг мурожаатини пойтахт областининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ва барча меҳнаткашлари бажонидил маъқулламоқдалар. Область меҳнаткашлари Ватанимизнинг шонли юбилейини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида янгидан-янги меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистон ССР ғалла маҳсулотлари ва омухта ем саноати министри **М. Қурбонов** айтдики, министрлик корхоналари ўз ишида бир мунча ижобий натижаларга эришди. Етти ойлик план ортиғи билан бажарилиб пландан ташқари 26 минг тонна ун ва омухта ем ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга ғаллани қайта ишлаш саноати ишида бир қанча камчиликлар бор. Бизда ўрнатилган механизация ҳали ҳам кам бўлиб, ишларнинг катта ҳажми кўчма механизмлар билан ҳатто қўл меҳнатини ишлатиб бажарилмоқда. Омборхоналар етишмаганлиги сабабли биз ғалланинг бир қисмини майдончаларда сақлашга мажбур бўлмоқдамиз.

Дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан пленум белгилайдиган тадбирлар саноатимиз олдига катта-катта вазифалар қўяди. Биз колхоз ва совхозлардан келаётган ғаллани узлуксиз қабул қилиб олишни таъминлашимиз керак. Шунинг учун аввало, ҳозир механизациялаштирилган элеваторлари ва қуритиш хўжалиги бўлган омборларимиз қанча бўлса, худди шунча миқдордаги омборларни уч-тўрт йил ичида қуриб олишимиз керак бўлади. Тегишли техника билан қуроллантирилган қўшимча қабул қилиш пунктларини ҳам ўзлаштириш керак.

Ўзбекистон ўзининг юқори сифатли ғалласи билан ҳамиша шуҳрат қозониб келган. Лекин кейинги вақтларда ғалланинг сифати ёмонлашиб қолди. Хўжаликлар оқсил моддаси кам бўлган ва какра аралаш донни қабул пунктларига йил сайин кўпроқ келтирмоқдалар. Шу сабабли биз донни тозалаш вақтида катта зарар кўрмоқдамиз. Бу аҳволни тузатиб олиш керак. Ҳозир шолининг сифати стандарт талабларига ва айниқса истеъмолчининг талабига мос келмаяпти. Шу сабабли шоли сифатини яхшилаш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Ғалла маҳсулотлари министрлигининг илтимосига кўра, бутуниттифоқ дон институти билан Жамбул технология институтининг бир группа илмий ходимлари бевосита Ўзбекистон колхозлари совхозлари ва корхоналарида шоли сифати пастлигининг сабабларини аниқламоқда, унинг сифатини яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқмоқда.

Навли уруғликлар етиштиришни тўғри уюштириш дон етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга, Бироқ, навли уруғликни давлатга сотиш плани бажарилмаётир. Навли уруғликлар етишмаётганлиги орқасида Қишлоқ хўжалик министрлигининг илтимоси билан турли навлар аралашиб кетган оддий дон уруғлик учун берилмоқда. Бундай уруғликдан мўл ҳосил олиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик министрлигининг органлари республикада селекциячилик ва уруғчилик ишини тубдан яхшилаш чораларини кўришлари керак.

Дон етиштиришни кескин кўпайтиришни таъминлаш, муттасил мўл ҳосил олинишига амин бўлмоқ учун Сурхондарё областидаги ҳар бир колхоз ва совхозда ҳозир махсус тадбирлар белгилаб чиқилмоқда, деди Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Муродов**. Дон экилган ерларнинг ҳосилдорлигини, аввало, лалми ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ирригация-мелиорация ишларини кенг миқёсда олиб бориш бир қанча қишлоқ хўжалик экинларини экишда оқилона нисбатга амал қилиш — энг муҳим вазифадир.

Область ишлаб чиққан тадбирларда келгуси йил кейинги уч йилдаги ўртача кўрсаткичларга нисбатан уч ярим баравар кўп дон етиштириш кўзда тутилади. Бу — область партия ташкилотининг, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнатчиларининг фахрли вазифасидир.

Ҳар бир хўжаликда дон етиштирувчи махсус бригадалар тузиб уларга етарли билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси бўлган кишиларни ажратиб беришга қарор қилинди. Бу бригадаларга зарур техника бириктириб қўйилади. Ғаллачилик хўжаликларида ишловчи қишлоқ меҳнатчиларини моддий рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Нотиқ ғалла йиғиштирадиган техника, айниқса дон комбайнлари, дон янчиш, уни тозалаш ва ортиш машиналари етишмаётганлигини айтади. Республика «Узсельхозтехника» бирлашмаси неучундир дон йиғиштириб олиш техникасини унга керакли запас қисмларни зарур миқдорда келтирмаётир. Республиканинг жанубий районларида шоли етиштиришни пухта уюштириш лозим. Бу соҳада кўп нарса ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаб қўйишга боғлиқ. Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги министрликларида бу масала неча марталаб муҳокама қилинди, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида топшириқлар берилди, лекин ҳали амалда кўп ишлар қилингани йўқ. Ҳозирги вақтда белгиланган вазифаларни тезроқ бажариш жуда зарур.

Сурхондарё областида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш Сурхон — Шеробод водийсидаги янги ерларни ўзлаштиришга ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳар томонлама яхшилашга боғлиқ. Кейинги уч йил ичида бу соҳада областда катта иш қилинди. Лекин янги ерларни ўзлаштириш кўлами ҳали ҳам етарли эмас.

«Сурхансовхозводстрой» тресты автомобиль транспорти билан етарли миқдорда таъминланмаган, унинг ишлаб чиқариш базаси заиф. Республика мелиорация ва Сув хўжалиги министрлигининг қурилиш-монтаж бошқармаларини техника билан яхшироқ қуроллантириш лозим. 1965 йилдаёқ областда мавжуд колхоз ва совхозлардаги ишларни кучайтириш учун Қишлоқ қурилиши министрлигининг иккинчи трестини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Лекин бу қарорнинг бажарилиши пайсалга солинмоқда.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари **А. А. Уркинбоев** ўз нутқида Амударё қуйи қисмини шоликорликнинг янги базасига айлантириш тўғрисида гапирди.

Қорақалпоғистоннинг қўриқ ерларида ихтисослаштирилган бир неча шоликорлик хўжаликлари барпо этилди. Бу хўжаликларда замонавий типдаги посёлкалар қад кўтарди, ирригация-мелиорация тармоқлари, қатнов йўллари, юқори вольтли электр линиялари қуриш юзасидан каттагина ишлар қилинди, ерларни ўзлаштириш кенгайтириб юборилди.

Сўнгги беш йил мобайнида автоном республикада шоли етиштириш анча кўпайди. Бу йил ўтган йилдагига қараганда шоли экиш муддатидан анча илгари тугалланиб, экин қийғос униб чиқди ва уюшқоқлик билан парвариш қилинмоқда. Илғор шоликорлар Октябрнинг 50 йиллиги шарафига оширилган янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Лекин Қорақалпоғистон шоликорлигида ҳал этилмаган бир қанча масалалар ҳам бор. Сўнгги беш йил мобайнида шоли ҳосилдорлиги бир хил бўлмади. Ўзлаштирилмаган, дренаж ва коллектор тармоғи бўлмаган ерларга шоли экиш бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу тупроқнинг ботқоқланишига ва ўт ўстирилишига олиб келади.

Шоликорлик хўжаликларини барпо этишда сусткашлик қилинаётганлигини ҳам айтиб ўтмоқ зарур. Бундай хўжаликларни ташкил этишга ажратилган маблағлардан беш йил мобайнида бешдан бир қисмигина ўзлаштирилди, холос. Бу бинокорлик материалларининг йўқлиги ва уларни суст етказиб берилишининг натижасидир.

Шоликорлик совхозларини лойиҳалаш ва қуришдаги камчиликларга барҳам бериш чораларини кўриш, бунинг учун алоҳида қурилиш ташкилоти барпо этиш лозим.

Республика партия ташкилоти дон ва шоли етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришга асосий эътибор бермоқда. Автоном республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари дон етиштиришни тағин ҳам кўпайтириш учун бор куч-қувватларини сарфлаб, шу билан мамлакат экономикасини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Машҳур пахтакор «Савай» совхозининг эришган муваффақиятлари тўғрисида пленумда шу хўжаликнинг директори **У. Саримсоқов** гапирди.

Совхоз пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришгач, дон етиштиришни кўпайтириш борасида ҳам кўп ишлар қилди. Совхоз ўтган етти йилликда 13782 тонна, 1966 йилда 2077 тонна дон етиштирди. Шу юбилей йилида дон етиштириш камида 2 минг тоннага етказилади. Давлатга ҳозирдаёқ 303 тонна буғдой топширилди. Яна камида 700 тонна маккажўхори дони топширилади. Қолган дон мол емига, совхоз ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кетади.

Совхоз қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларини муваффақиятли ривожлантирмоқда. Бу ерда етти йиллик мобайнида пландан ортиқ 12507 тонна пахта, 152 тонна гўшт, 322 тонна сут, 126 центнер жун етиштирилди. Пландагидан ортиқ фойда 834 минг сўмни ташкил этди. Беш йилликнинг биринчи йилидаги натижалар ҳам ёмон бўлмади. Совхоз давлатга 17465 тонна пахта, 1691 тонна дон, 450 тонна сабзавот, 183 тонна полиз маҳсулотлари, 2300 тонна сут, 547 тонна гўшт, 149 центнер жун, кўпгина бошқа маҳсулотлар топширди. Ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига 2285 центнер пахта, 271 центнер дон, 85 центнер гўшт, 349 центнер сут етиштирилди. Бу нарса совхозда етиштирилган дон пахтачиликнинг зарарига бўлмаганлигини, пахтачилик хўжаликларимизда деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришда катта резервлар борлигини кўрсатади.

Совхоз ишлаб чиқаришининг кўп тармоқли, сермаҳсул бўлишига биз қандай қилиб эришдик? Энг муҳими алмашлаб экишнинг жорий этилиши, деҳқончилик ва чорвачилик асосий тармоқларини етакчи пахтачилик тармоғи билан илмий асосланган ҳолда бирга олиб бориш натижасида биз ернинг ҳар бир гектаридан, барча сув ва моддий техника ресурсларидан юксак самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлдик.

Совхознинг экин майдонлари 7642 гектарга боради. Шундан 74 процент ерни пахта, 17 процент ерни беда, 6 процент ерни маккажўхори, 3 процент ерни сабзавот-полиз экинлари эгаллаган. Биз бу йил беда билан шоли аралаш экилган майдондан ва дон учун экилган маккажўхоридан дон олдик.

Ҳисобларимизга кўра, биз 1968 йилда камида 2800 тонна дон етиштирамиз. 333 гектар ерга дон учун экиладиган маккажўхорининг тахминий ҳосилдорлиги 41 центнергача бўлади. Буғдой ҳосилдорлиги камида 29 центнерни ташкил этади. Силос учун маккажўхори такрор экилади. Демак, бизда силос ҳам, дон ҳам бўлади.

Совхоз коллективи Улуғ Октябрни муносиб кутиб олиш шарафига бошланган бутуниттифоқ мусобақасига қўшилар экан, ҳар гектардан камида 31 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олди. Ишчилар ва мутахассислар фидокорона меҳнатлари эвазига тўплаган катта ҳосил юбилей мажбуриятларининг муваффақият билан бажарилишига гаров бўла олади. Бу ҳол коллективимизнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг ёдгорлик байроғи учун мусобақага қўшилишига имкон берди. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи бўлимларга, 29 бригадага, 6 фермага коммунистик меҳнат коллективлари номи, битта бўлимга эса Улуғ Октябрь 50 йиллиги номи берилди. Ҳозирги вақтда ҳосилни механизмлар воситасида териб олишга намунали тайёргарлик кўриш масаласи совхоз партия ташкилоти, бутун коллективнинг диққат марказида турибди. Биз барча майдонлардаги ҳосилни фақат машиналар билан, нобуд қилмай териб олиб, тўкилган пахтани қўл билан йиғиштиришга барҳам бериш мажбуриятини зиммамизга олдик.

Хоразм область партия комитетининг секретари **Р. Эшчонов** пленумда бундай деди: Хоразм қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимиз берган катта ёрдам туфайли мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Бу ҳосил зиммамизга олган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлай олади. Область колхозлари ва совхозлари давлатга жун, пилла, тухум, қоракўл тери ва мева сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажариб, сўнгги йилларда шоли ва бошқа донли экинлар етиштиришни мунтазам равишда кўпайтириб бормоқдалар.

Уч йил мобайнида давлатга шоли сотиш қарийб уч баравар кўпайди. Илғорлар катта муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан коммунист Николай Пан бригадаси ўтган йили 101 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 54 центнердан, шу хўжаликнинг бир қанча бошқа коллективлари 45 цетнердан шоли олдилар. Ал-Хоразмий номли совхознинг энг яхши шоликорлик бригадалари ҳам шундай муваффақиятларга эришдилар. Шоликорлик усталари номини яна санайвериш мумкин.

Шу билан бирга айрим колхозлар суғориладиган ерларда дон етиштириш масалаларига ҳозирга қадар тегишли эътибор бермай келдилар. Область партия ташкилоти мавжуд аҳволни анализ қилиб ҳисоблайдики, Хоразмда каттагина резервлар бор. экин майдонларининг янада такомиллашган структураси шулардан энг муҳимидир. Бундан буён областда беда фақат аралаш ҳолда экилади. Шундай қилиб дон тайёрлаш кўпаяди ва айни вақтда алмашлаб экишга ўтиш тезлашади. Ҳозирча колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш суст жорий этилмоқда. Бундан ташқари дон учун ўстирилаётган маккажўхори ва оқжўхори экин майдонлари кенгаяди.

Беда ва дон уруғчилиги яхши йўлга қўйилмаганида улар аралаш экиладиган майдонларни кенгайтириб бўлмаслигини назарда тутиб, биз бу йил беда, маккажўхори, оқжўхори, шунингдек полиз экинлари уруғи етиштириш билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган колхоз барпо этдик. Бу иш Хоразм бедасининг илгариги довруғини яна тиклашга ҳамда область колхозларини юқори сифатли уруғлик билан кўпроқ таъминлашга имкон беради.

Эндиликда донни ўз вақтида ўриб олиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Область колхозларида ғалла ўрадиган техника йўқлиги ва ғалла майдонлари унча катта бўлмаганлиги туфайли бундай техникани сотиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақбул эмаслиги сабабли, биз колхозларда шартнома асосида фойдаланиш учун «Узсельхозтехника» район бирлашмаларига зарур миқдорда ғалла ўрадиган камбайнлар бериш тўғрисида ўртоқ Матчонов айтган фикрни қувватлаймиз.

Областда шоли асосий ва энг қимматли дон экини бўлиб қола беради. Ихтисослаштирилган барча хўжаликларнинг коллективлари Совет ҳокимияти юбилейи шарафига яхши ҳосил етиштириб, илгари олган социалистик мажбуриятларини яқинда оширдилар. Аммо область шоликорлигида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Гербицидлар қарийб ишлатилмаяпти, экин парваришини ва айниқса ҳосил ўримини механизациялаш жуда суст жорий этиляпти. Натижада шолининг таннархи ҳамон баландлигича қолаётир. Биз республика Қишлоқ хўжалиги министрлигидан Хоразмдаги шоликорлик совхозлари эҳтиёжларига эътиборни кучайтиришни сўраймиз.

Лалми деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг директори **Ғ. Отабоев** ишлаб чиқаришда фан ютуқларини кенг жорий этмай ва деҳқончилик умумий маданиятини муттасил ошириб бормай, лалми ерларда ҳосилдорликни кўтариб бўлмайди, деб таъкидлайди. Бир қанча хўжаликларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ғалла устига ғалла экаберишдек зарарли практика далаларнинг ифлосланишига касалликларга ва ўсиш даврида ўсимликларнинг узилиб тушишига ва пировардида натижада ҳосилдорликнинг пасайишига ва таннархининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлган. Кўп капитал маблағ сарф қилмаган ҳолда мавжуд ҳосилни икки баравар кўпайтириш лалми ерларда юқори сифатли товар дони, гўшти ва сут етиштириладиган мустаҳкам база вужудга келтириш мумкин.

Ҳозирги замон хўжалиги илмий асосланган тўғри алмашлаб экишни талаб этади. Аммо ҳозирга қадар фақат айрим совхозлар ёки уларнинг бўлимларигина алмашлаб экиш доирасида деҳқончилик қилмоқдалар. Институт турли зоналар учун катта самара бера оладиган муайян тавсиялар ишлаб чиқди. Ерни шудгорлаб қўйиш алмашлаб экишда муҳим ўрин эгалламоғи керак. Бундай шудгор августда эгатлаб экиш учун тайёрланадиган бўлса, унинг роли айниқса кўтарилади.

Институт уруғ экиш чуқурлиги ва экишнинг энг мақбул муддатларини ишлаб чиқди ва тавсия этди.

Органик ва минерал ўғитлардан моҳирлик билан фойдаланиш, бегона ўтларга қарши мунтазам равишда кураш олиб бориш ҳам дон ҳосилдорлигини кўтариш ва ялпи йиғимини оширишда катта резерв ҳисобланади.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси **И. В. Бабков** ўз нутқини ғалла хўжалигида меҳнатни механизация даражасини кўтариш проблемаларига бағишлади.

Ҳозирги вақтда «Узсельхозтехника» айниқса Андижон, Фарғона ва Хоразм областларида қишлоқ хўжалик экинларини ўриб-йиғиб оладиган махсус отрядларни қайта тиклаяпти 140 комбайнни тартибга келтиряпти. Ғалла экувчи асосий областлар ва районларда ғалла техникаси жумладан ғалла комбайнларини ремонт қилиш учун ихтисослаштирилган устахоналар қурилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Ленинск, Далварзин, Қашқадарё, Қорақалпоғистонда ремонт заводлари реконструкция қилинмоқда ва янгилари қурилмоқда.

«Узсельхозтехника» корхоналарида доимий ремонтчи кадрлар етарли бўлмаслиги, унинг ишидаги жиддий камчиликлардан биридир. Ҳозир барпо этилаётган 25 ўқув комбинатида мутахассис кадрлар тайёрлаб чиқарилади, шунингдек ходимларнинг малакаси оширилади.

Ўртоқ Матчонов докладини муҳокама қилишда СССР қишлоқ хўжалик министри **В. В. Мацкевич** билан СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри **Е. Е. Алексеевскийлар** қатнашдилар.

(ЎзТАГ).



ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг мажлислар залида Осиё ва Африка мамлакатлари вакиллари иштирокида «Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг соғлиқ-саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг овқатланиши ва тарбияланишига» бағишланган халқаро семинар ўз ишини бошлади. Суратда: семинарнинг машғулот пайти.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VIII ПЛЕНУМИ

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА САНОАТДА, ҚУРИЛИШДА, ТРАНСПОРТДА ВА АЛОҚА ОРГАНЛАРИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. АНИСИМКИН доклади

Ўртоқлар! Умумхалқ тантаналари — дунёда биринчи социалистик давлатнинг эллик йиллиги байрамига атиги икки ой қолди.

Коммунистик партия, Ленин партияси раҳбарлигидаги кўп миллатли Ватанимиз ярим аср мобайнида кураш ва ғалабаларнинг қатта, шонли йўлини босиб ўтди. Тенг ҳуқуқли республикаларнинг бири — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қардош республикалар оиласида муносиб ўрин олиб турибди. Бизнинг партиямиз ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш туфайли миллатларнинг тенгсизлигини тарихан қисқа муддатда тугатишга, чор Россиясининг ўтмишда қолоқ чекка ўлкалари экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга, уларни гуллаб-яшнаб турган республикаларга айлантиришга муваффақ бўлди.

Кейинги йигирма йил ичида республика саноати олға томон янги катта одим ташлади. Бизда кучли рангли металлургия, электр техника ва электрон саноати барпо этилди. Энергетика, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жадал ривожланиб борди. Тўқимачилик, пахта тозалаш, ёғ, консерва корхоналари ва бошқа корхоналар техника билан қайта қуроллантирилди, биноқорлик материалари саноати, йирик панелли уйсозлик яратилди вужудга келтирилди.

Ёш газ саноати Ўзбекистоннинг ифтихори бўлиб қолди. Сўнгги олти йилнинг ўзида «зангори ёқилғи» қазиб чиқариш 50 баравар кўпайди. Ҳозир яна бир ғоят истиқболли тармоқ — олтин чиқариш саноати бунёд этилмоқда. Республика ўлкан қурилиш майдончаси айланиб қолди. Ўтган етти йилликнинг ўзида халқ хўжалигига сарфланган маблағ Совет ҳокимиятининг шундан олдинги ҳамма йилларидагига қараганда кўп. Республикамизда ўрта ҳисобда ҳар олти кунда битта саноат корхонаси ёки йирик цех ишга туширилиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси — социалистик индустриаллаштириш самарадиридир. Индустриаллаштиришнинг энг муҳим якуни шу бўлдики, миллий кичилар синфи вояга етди, инженер-техник ходимлар армияси вужудга келтирилди. Ҳозир саноат, қурилиш ва транспортда 900 мингга яқин ишчи ва хизматчи, 70 минг инженер ва техник меҳнат қилмоқда.

Республиканинг қишлоқ хўжалиги ҳам индустриал базага таяниб, ўз қиёфасини ўзгартирди ва совет ҳокимияти йилларида экономиканинг юксак даражада механизациялашган йирик тармоғига айланди.

Ҳозирги вақтда Ватанимиз саноати тараққиётчинг шундай даврига кирдики, бунда техника тараққиёти саноатнинг ривожланиш суръатларини тобора кўпроқ даражада белгилаб бермоқда. КПСС XXIII съезди қарорларида янги беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаси белгилаб берилди. Бу вазифа «фан ва техника муваффақиятларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун иқтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, иқтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада анча ўстиришни, қишлоқ хўжалигини муттасил тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш»дан иборат.

Республика партия ташкилотлари партиянинг бутун халқ хўжалигини техника билан жадал қайта қуроллантириш, унинг структурасини прогрессив тарзда ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, илмий техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан катта иш қилмоқдалар. Ўзбекистон индустрияси миқдор жиҳатида ўсиш билангина чекланиб қолмай шу билан бирга унда жиддий сифат ўзгаришлари ҳам рўй бераётганлиги фикримизнинг далилидир.

Мисол учун энергетикани олиб кўрайлик. Бу соҳада кейинги вақтларда 150 минг киловатт қувватли йирик энергетика блокларни ишга туширилди. Сирдарё ГРЭСида ҳар бири 300—500 минг киловатт қувватли энергетика блоклари ўрнатиш мўлжалланмоқда. Ўзбекистон энергетикасининг тўнғич корхонаси — Бўзсув ГЭСи аввал бошлаб атиги 3 минг киловатт қувват билан ишлаганлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлади. Ҳимия саноатида, рангли металлургияда ўз миқёси жиҳатидан жуда катта ишлар қилинмоқда. Халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган машинасозлик саноатида поток линиялар, конвейерлар, металл ишлашнинг илғор методлари муваффақиятли жорий этилмоқда. Қувончлиги, пайвандлаш, темирчилик ва пресслаш ҳамда асбобсозлик ишлаб чиқариши доимо такомиллаштириб борилмоқда.

1965—1966 йилларнинг ўзидагина республикада давлат планига биноан ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришга, янги машиналарни ўзлаштириш ва илғор технологияни жорий этишга доир 500 тага яқин йирик тадбир амалга оширилди. Бу тадбирлар салкам 60 миллион сўм иқтисодий наф келтирди. Уч йил мобайнида республикада машиналар, приборлар ва материалларнинг 114 та янги нусхаси яратилди, бу янги нусхаларнинг катта қисми ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалиги эҳтиёжини қондирмоқда. Чунончи, «Ташселмаш» заводи пахтачилик машиналари давлат махсус конструкторлик бюроси билан биргаликда янги ғоят серунум «ХТ-1, 2» пахта териш машинасини қўлдаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Шу машиналарни ишлаб чиқариш ва ўзлаштирганлик учун инженер-техник ходимлар ва ишлаб чиқариш илғорларидан бир группаси Ленин мукофотига сазовор бўлишди. «Ташавтомаш» заводи қишлоқ хўжалигини ва пахта тозалаш саноатини махсус трактор ва автомобиль прицеплари билан қуроллантирди. Тўқумачилик машинасозлиги махсус конструкторлик бюроси билан «Тоштекстильмаш» заводи яратган ПК-100 ип йигириш-пишитиш машинаси бутун дунёда шуҳрат қозонди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида янги қаттиқ қотишма инструментини ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

Фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг активлиги ва жанговарлигига бу жуда муҳим ишда уларнинг ташкилотчилик ролига боғлиқ эканлигини турмуш, коммунистик қурилиш практикаси яққол кўрсатиб берди. Андижон машинасозлик заводи бошлангич партия ташкилотининг иш тажрибаси бу жиҳатдан ибратлидир. Бу ердагилар янги техникага доир планларни ишлаб чиқишга ишчанлик билан ижодий ёндошадилар, коллективнинг куч-ғайратини «танг» жойларни тугатишга мужрлик билан сафарбар этадилар, коллективнинг ҳар бир аъзоси ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф киритишга интиладиган вазиятни яратиб берадилар.

Иқтисодий ислоҳот амалга оширилаётган ва иқтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун кураш бошлаб юборилган шароитда техника тараққиёти тўғрисида партия ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим. Лекин бу ишда ҳали ҳам кўпгина жиддий камчиликлар борлигини эътироф этмасдан бўлмайди.

Республика министрликлари, идоралари ва корхоналарининг баъзи раҳбарлари янги техникага оид планда кўзда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилиши учун ўзларининг юксак даражада жавобгар эканликларини ҳали ҳам яхши ҳис этиб олганлари йўқ, бу раҳбарларнинг кўплари шу планнинг бажарилишини якунчи даражали иш деб билмоқдалар.

Умуман республика саноатида меҳнат унумдорлиги узлуксиз ўсиб бормоқда. Кейинги уч йил ичида меҳнат унумдорлиги 16 процент кўпайди. Биз жорий этаётган тадбирларнинг ҳаммаси лозим бўлган самарани берганида эди, меҳнат унумдорлиги бундан ҳам кўпроқ ўсиши мумкин эди. «Ўзбекнефть» бирлашмасининг нефть конларида ўтган йили янги техникага доир план аслида бажарилиб, 16 та тадбир жорий этилган бўлса ҳам меҳнат унумдорлиги 9 процент камайиб кетди.

Бинокорлик материаллари саноати корхоналаридаги кўпгина қийин ишлар механизациялаштирилмаган, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Шундай бўлса ҳам министрлик раҳбарлари янги техниканинг ролига етарли баҳо бермай келаётирлар. Озиқ-овқат саноати министрлигининг корхоналарида ҳам аҳвол шундай. бу корхоналарда беш йил ичида меҳнат унумдорлиги умуман. 17.4 процент ошиши лозим бўлса, янги техника ҳисобига меҳнат унумдорлигини атиги 3.6 процент ошириш кўзда тутилмоқда.

Айрим раҳбарлар янги техникани жорий этишга доир топшириқларнинг унчалик кўп бўлмаслигига ҳаракат қилиб, маҳсулот чиқаришни асосан қўшимча миқдордаги ишчилар ажратиб бериш ҳисобига кўпайтиришни мўлжалмоқдалар. Бу эса экономикамиз тараққиётининг қонуниятларига зид эканлиги маълумку, ахир. КПСС XXIII съезди, техника тараққиётининг асосий йўли — ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш йўли эканлигини кўрсатиб берди. Шу асосдагина меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш мумкин.

Амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ҳақида гап борганда поток-механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган линияларнинг ҳаммасидан, жумладан комплекс участкалардан ҳам ҳозирча маҳсулотнинг атиги бешдан бир қисмини олаётганимизни айтмасдан ўтиб бўлмайди. Жамики ишчиларнинг ярмига яқини қўл меҳнатида банд, айрим тармоқларда эса шу кўрсаткич бундан ҳам ёмон.

Анализ шуни кўрсатмоқдаки, ишчиларнинг асосий қисми банд бўлиб турган ёрдамчи ишлар ҳали ҳам дурст механизациялаштирилмаётир. Айни шу ишларни механизациялаш меҳнатни энг кўп тежаб қолишга имкон беришини ва бу ишни арзимаган харажатлар билан амалга ошириш мумкинлигини айрим раҳбарларимиз сира тушунмаяптилар.

Республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Биноқорлик материаллари саноати министрлиги, Пахта тозалаш саноати министрлиги, мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси корхоналарга 1970 йилга борганда ҳам қўл меҳнати даражасини 35—50 процент миқдорида сақлаб қолиш тўғрисида йўл-йўриқ бераётганлиги билан мутлақо келишиб бўлмайди. Ишни шундай ташкил этиш керакки, шу беш йилликнинг охирига борганда қўл меҳнатига асосан ўрин қолмайдиган бўлсин. Шу сабабли ҳар бир корхонада ҳар бир цехда ва ҳар бир участкада ишларни механизациялашга доир конкрет чоралар ишлаб чиқиш лозим. Партия ташкилотлари ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва қўл меҳнати салмогини қисқартириш кадрлардан тағин ҳам рационалроқ фойдаланиш йўлини сабот билан ўтказиши керак. Бу— муҳим хўжалик ва сиёсий вазифа бўлиб уни принципиаллик билан, кун сайин ҳал этиб бориш зарур.

Идоралардаги меҳнатни механизациялашга ва ҳисоблаш техникасини жорий этишга жуда катта эътибор бермоқ керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети июль ойида бошқарув механизмини механизациялаш юзасидан бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширишни кўзда тутувчи махсус қарор қабул қилдилар. Хўжалик раҳбарлари, олимлар, партия ташкилотлари, ана шу қарорнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари, ҳисоблаш техникасини республика халқ хўжалигига жорий қилишни жадаллаштиришлари зарур.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, уларнинг структурасини такомиллаштириш, ишларни тинимсиз давом эттириш техника тараққиётининг энг муҳим йўлидир. Табиийки, бизнинг республикамизда ҳам бу ишлар олиб борилмоқда. Масалан, кейинги олти йил мобайнида машинасозликдаги технология машина-ускуналарининг учдан бир қисми янгиланди. Лекин ҳали ҳам бизда корхоналарнинг шундай раҳбарлари борки, улар эски машина-ускуналарни мукаммалроқ машина-ускуналар билан алмаштириш ғамини емайдилар, ажратиб берилаётган капитал маблағларни эса кўпинча сарчиқим ишлаб чиқариш бинолари қуришга ишлатмоқдалар. Асбоб-ускуналарни модернизация қилиш ишининг аҳволи ҳаддан ташқари ёмон.

Агар машина-ускуналар бекор турадиган бўлса, ишлаб чиқариш қанчалик такомиллаштирилган бўлса ҳам ундан лозим бўлган нафни олиш қийинлиги ҳаммага равшан. Биздаги аҳволга бир назар ташлайлик. Фарғонадаги фўран бирикмалари заводида, Навоий ва Чирчиқ химия комбинатларида, Қўқон ёғ-жир комбинатида, Самарқанд консерва заводида бутун-бутун цехлар ва технология линиялари бекор ётибди. Республика машинасозлик корхоналарида ўрнатилган машина-ускуналарнинг таҳминан бешдан бир қисми бекор турибди. Ана шу бекор турган машина-ускуналар билан «Ўзбексельмаш», «Ташавтомаш», «Ўзбекхлопкомаш» сингари учта йирик заводни батамом ускуналаш мумкин бўлур эди.

Айрим раҳбарлар ишчи кучи етишмаётганлиги сабабли машина-ускуналардан ёмон фойдаланилмоқда, дейишади. Баъзи жойларда ҳақиқатан ҳам кадрлар етишмаяпти. Шу муносабат билан республикадаги ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалаларига тўхталиб ўтиш зарур. Чунончи, машинасозлик саноатига қарашли заводларнинг жуда кўпчилиги Тошкент областида жойлашганлигини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Афтидан, корхоналарнинг бир қисмини чегроқ шаҳарларда ва район марказларида жойлаштириш лозим. Бу тадбир бўш меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этиш, мавжуд машина-ускуналардан максимал фойдаланиш имконини беради. Бу соҳада бизнинг тажрибамиз бор. Масалан «Тоштекстильмаш» заводи Қўқон шаҳрида ўз филиалини ташкил этиб, уни тўқимачилик машиналари учун энг кўп керак бўладиган узеллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирди. Эндиликда бу ўз маҳсулоти билан «Тоштекстильмаш» заводининг эмас, мамлакатнинг бошқа тўқимачилик машинасозлиги заводларининг ҳам таъминлаб турувчи йирик мустақил корхона бўлиб қолди. Ўтган йили Марҳамат посёлкасида Андижондаги «Электроаппарат» заводининг филиали очилди. Госплан ва республика меҳнат ресурслари давлат комитети, область ва шаҳар партия комитетлари корхоналар билан биргаликда бу масалани батафсил ўрганиб чиқсинлар ва кичик шаҳарларда корхоналарнинг филиалларини барпо этишга доир таклифларини киритсинлар.

Республикамизда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш иши кўнгилдагидек эмас. Тўғри, машинасозлик, пойафзал, тикувчилик, мебель саноатида ва саноатнинг бошқа айрим тармоқларида бу соҳада баъзи ишлар қилинди. Бироқ, корхоналарнинг жуда кўпчилиги универсал корхона бўлиб қолмоқда. Асло тоқат қилиб бўлмайдиган тор идорачилик манфаатлари ана шундай оқибатга олиб келди. Характерли бир мисол келтирайлик. Бир неча йил муқаддам Тошкент экскаватор заводида тоқарлик пичоқлари ишлаб чиқарувчи юксак даражада механизациялаштирилган участка ташкил этилди. лекин министрлик тузилган ихтисослаштирилган бу участка тугатилди. Партия органлари ишга тор идорачилик нуқтаи назаридан ёндошишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши зўр қатъият билан чиқишлари, бу масалаларда принципиал, муросасиз позицияда туришлари лозим.

Ўзингизга маълумки, ўтган йил-бель саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари ходимлари ҳам бу соҳада дурст иш қилишмаётир.

Корхоналар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилаётган ҳозирги пайтда маҳсулот сифатини ошириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Партия ташкилотлари буни ҳамиша эсда тутишлари ва ҳар бир маҳсулотни чиқарилаётган маҳсулот учун юксак жавобгарлик руҳида тарбиялаш учун ҳамма воситаларни ишга солишлари лозим.

Беш йиллик планга доир Директивларда транспортнинг ҳамма турларини ривожлантиришга, унинг техника билан қуроллаиниш даражасини оширишга, алоқанинг ҳамма воситаларини такомиллаштиришга муҳим ўрин берилган.

Темир йўлимиз ҳозир деярли батамом тепловоз билан ишлайдиган бўлиб қолди. Автоматизация ва сигнализация воситаларининг бутун бир комплекси жорий этилганлиги, шунингдек йўллар модернизация қилинганлиги натижасида поездларнинг қатнов тезлигини соатига 120—140 километрга етказиш мумкин бўлди. Умум фойдаланишидаги автомобиль транспорти янада ривожланди, йўллар кенг кўламда қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Граждан ва қишлоқ хўжалик авиациясида хизмат кўрсатишнинг янги техника воситалари ва илғор методлари ўзлаштириб олинди. Алоқанинг барча турлари янада ривожлантирилди.

Лекин, шундай бўлса ҳам, транспортдаги айрим ишларни, айниқса юк ортиш-тушириш ва ремонт ишларини механизациялаш даражаси ҳали ҳам паст, фан ва техниканинг айрим ютуқларини жорий этишда сусткашлик қилинмоқда. Юк ортиш-тушириш ишлари дурст механизациялаштирилмаганлиги оқибатида ҳали ҳам вагонлар кўплаб бекор тўриб қолаётганлигини айтишнинг ўзи кифоя қилади. Шунинг оқибатида кейинги бир ярим йил ичида уч миллион сўмдан ортиқ жарима тўланди. Умум фойдаланишидаги автомобиль транспортида ҳар бир машина билан қилинадиган иш нормаси жиҳатидан республикамиз бошқа бир қанча республикаларда эришилган кўрсаткичлардан ҳали ҳам орқада қолмоқда.

Аҳоли алоқа корхоналари ва муассасаларининг иши тўғрисида кўпгина ҳаққоний таъналар айтмоқда. Алоқачилар ишга туширилган телефон станцияларининг кувватини ҳаддан ташқари сусткашлик билан ўзлаштирмоқдалар, линиялардаги ва станциялардаги авариялар сони кўпайиб кетмоқда.

Почта алоқасини олиб кўрайлик. Почта алоқаси техника тараққиётининг ҳозирги даражасидан ғоят орқада қолиб кетмоқда. Бизда мураккаб текст ва тасвирларни, ҳатто бутун-бутун газета саҳифаларини фототелеграф ёрдами билан қабул қилишдан иборат ғоят мукаммал метод ўзлаштирилди. Газетхон эса кўпинча газеталарни жуда кеч олади. газеталар ҳатто область марказларига ҳам баъзан икки-уч кундан кейин етиб боради. Граждан авиациясининг тезлиги ўсиб бормоқда, бошқа шаҳарлардан хатларни эса бир неча кундан кейин оламиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети алоқа корхоналари ишини яхшилашга доир бир қанча чораларни ишлаб чиқдилар.

Замонавий техника билан тобора кўпроқ таъминлаб борилаётган капитал қурилиш эндиликда халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлиб қолди.

Республикамизда мустаҳкам қурилиш базаси барпо этилди. Ҳозир биз 1958 йилдагига қараганда беш баравар кўп цемент, уч баравар кўп норуда материаллар, деярли ўн баравар кўп йиғма темир бетон ишлаб чиқаряпмиз. Қурилишда йиғма деталлардан фойдаланиш кўпаймоқда, биноқорлар ва монтажчилар меҳнатини механизациялаш яхшиланмоқда.

Шу билан бирга айрим қурилиш ва монтаж ташкилотларида техника тараққиёти суръатлари талабдаги даражага етказилган эмас ва бу нарса меҳнат унумдорлигини оширишга салбий таъсир қилмоқда.

Биз уйсозлик комбинатлари қувватининг фақат 70 процентидан фойдаланмоқдамиз. Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм ва Қашқадарё областларида уйсозлик комбинатларининг қувватидан айниқса ёмон фойдаланилмоқда.

Республика Госплани уй-жой қурилиши ҳажмининг йиллик планларини белгилаш вақтида аввало уйсозлик комбинатларининг қувватидан тўлиқ фойдаланиш борасида тағин ҳам принципиал позиция тутиши лозим.

Қишлоқ қурилишида йиғма деталлардан кўпроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Қишлоқларда қуриладиган иншоотлар учун маҳаллий материалардан энг кўп фойдаланиб яса-ладиган енгил конструкциялар ишлаб чиқиш даркор.

Прогрессив каркас-панель қурилишини, айниқса олдиндан таранг тортилган арматурали темир бетон конструкцияларини қунт билан жорий этиш, янги қурилиш материалларидан, жумладан мармар ва гранитдан дадил фойдалана бериш лозим.

Республикада асосий қурилиш машиналари сони сўнгги уч йил мобайнида уч мартадан зиёд кўпайди. Бу эса, қурилишни техника билан қуроллантириш тез суръатлар билан олиб борилаётганлигидан далолат беради. Лекин шу билан бирга айрим ишларни механизациялаш даражаси пасайиб бораётганлиги бизни ташвишга солиши лозим. Бунинг асосий сабаби шуки, механизмлардан дурст фойдаланилмаётир. меҳнатни ташкил этиш ва ремонт ишининг даражаси паст.

Маълумки, қурилиш ташкилотларининг кўпчилигида ишчи кадрлар, айниқса пардозчилар етишмаётир, Бу проблемани ҳал этишнинг битта йўли бор, у ҳам бўлса, пардозлаш ишларини индустрлаштиришдир.

Умуман олганда, биз қурилишни механизациялаш ва комплекс механизациялаш даражасини план кўрсаткичлари даражасига етказсак, меҳнат унумдорлигини тахминан уч процент ошира олган бўлур эдик.

Техника тараққиёти аслини олганда лойиҳа тузишдан бошланади. Техника янгиликларидан фойдаланиш қурилишни янада индустрлаштириш лойиҳада кўрсатиб берилади.

Бизнинг лойиҳа ташкилотларимиз муайян муваффақиятларга эришдилар. Шундай бўлса ҳам лойиҳачиларнинг ишида ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар бор. Кўпинча лойиҳаларда жуда мураккаб конструктив ечимлар ўринсиз равишда асос қилиб олинади, гоҳ эскириб қолган машина-ускуналардан фойдаланиш кўзда тутилса, гоҳ ҳали саноат ўзлаштирмаган машина-ускуналардан фойдаланиш белгилаб қўйилади, жиддий техникавий хатоларга йўл қўйилади. Шаҳарсозликнинг ҳозирги талабларига мос келувчи уйжойларнинг янги типларини яратишга етарли эътибор берилмайди. Республика Госстройи лойиҳалаш ташкилотларига раҳбарликни тубдан яхшилаши лозим.

Республикамиз олимлари илмий техника тараққиёти масалаларини ҳал этишга актив қатнашмоқдалар. Лекин умумий муваффақиятлар ва ютуқларни таъкидлаш билан бирга илмий тадқиқотларни уюштиришдаги ва айниқса илмий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги жиддий нуқсонлардан кўз юмиб бўлмайди. Республика Фанлар академиясининг институтлари ниҳоясига етказгач жамики тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришда бевосита қўлланиши мумкин бўлганларидан атиги 17 процентн жорий этилганлиги. Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг олий ўқув юртлари тақдим этган ишлардан фақат 15 процентн жорий этилганлиги фактку, ахир. Ҳатто баъзи таъмоқ институтлари ҳам ўз таклифларининг бор-йўғи 20-30 процентини жорий эта олдидилар.

Ишлаб чиқариш бўлинмалари билан хўжалик ҳисоботи муносабатларини илмий ташкилотлар ҳаётига аста-секин жорий этиш фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтиришнинг амалий йўлларидан биридир.

Техника тараққиётини жадаллаштиришда конструкторлик ва технологня ташкилотларининг роли жуда катта. Бу ташкилотлар сўнгги йилларда янги машиналар, приборлар, материаллар яратишди. ачча замонавий технология процессларини ишлаб чиқишди. Шунга қарамай. уларнинг ишида жиддий нуқсонлар ҳам учратилади. Масалан пахта тозалаш давлат махсус конструкторлик бюросида тематик планларни техникавий ва иқтисодий жиҳатдан етарли даражада чуқур асослamай ишлаб чиқиш одат тусига кириб қолган.

Тегишли министрликлар ва идоралар, партия ташкилотлари, конструкторлик-технологик ташкилотлари ишининг самарадорлигини оширишлари, яратилаётган машиналарнинг, технология процессларн ва материалларнинг техникавий даражаси учун уларнинг масъулиятини оширишлари керак. Заводлардаги лабораториялар фан ва техниканинг илғор ютуқларини жорий этишда катта роль ўйнашлари лозим. Ана шу лабораториялар фан муваффақиятларини бевосита амалга оширувчи ташкилотлар бўлмоғи керак.

Партия ва совет давлати Ленин васиятларини бажараборий, чиққан, ўқимишли, ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчилари бўлган жуда кўп кадрларни тарбиялаб вояга етказдилар. Лекин, КПСС XXIII съезди таъкидлаб ўтганидек, «коммунистик қурилиш миқёслари тобора ўсган ва вазифалар мураккаблашган сайин кадрларни танлаш, қўтариш ва тарбиялашга тобора юксакроқ талаблар қўйилмоқда».

Республикамизда ишлаб чиқаришни ташкил этувчи. зарур фазилатларнинг ҳаммасига эга бўлган кўпгина жойиб раҳбарлар бор. Бундай раҳбарларнинг сафлари доимо кўпайиб бормоқда. Бир йил ичидагина саноат ва қурилишдаги, транспорт ва алоқадаги мутахассисларнинг сони 6600 киши кўпайиб, ҳозир уларнинг сафида олий маълумотли 21 минг ва ўрта махсус маълумотли 50 минг киши бор. Лекин кадрларнинг маданий-техникавий савияси доимо ошиб бормайдиган бўлса, техника тараққиётини тезлаштиришда тузук муваффақиятга умид боғлаш қийин.

Одамларнинг билимга интилиши ошиб бораётганлиги кейинги даврнинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Уч йилнинг ўзидагина саноат, қурилиш ва транспорт ўқув юртларида билим олаётганлар сони 25 процент кўпайиб, жами 60 минг кишига етди.

Партия. касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчи кадрлар, айниқса ёшларнинг малакасини оширишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Масалан, саноатда ўтган йили меҳнаткашларнинг тўртдан бир қисми техника ўқувининг турли шаклларига жалб этилди. Сўнгги уч йил мобайнида ҳунар-техника таълими системасида саноат, қурилиш ва транспорт учун ишчи кадрлар тайёрлаш 60 процентдан зиёд кўпайди. Шу йилнинг ўзидагина халқ хўжалигининг бу тармоқлари юқори малакали 14 минг ишчи олади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги катта ишлар, табиийки, техника тараққиётини жадаллаштиришга жиддий таъсир қилмоқда. Лекин бу соҳада ҳали ҳамма иш қилинаётир, деб бўлмайди. Кўпгина саноат корхоналарида ва қурилишларда практиклар инженерлик ва техниклик лавозимларида ишлаб турибди. Булар катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган дурст ташкилотчилар бўлса ҳам, лекин техника билимининг етишмаслиги уларнинг фаолиятига ҳалақит беради. Практикларнинг ўқишга кўпроқ боришлари тўғрисида жиддий ғамхўрлик қилиш, институтлар ва техникумлар негизида улар учун махсус курслар очиш лозим.

Биз ҳали дипломли мутахассислар билан ҳам дурст ишлаётганимиз йўқ, айниқса ёшларни тарбиялаш ва кўтаришга етарли эътибор бермаётирмиз. Шу сабабли баъзи министрликларда, жумладан, Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Гўшт-сут саноати министрликларида раҳбар кадрлар тайлаш проблемаси пайдо бўлганлиги бежиз эмас.

Турмуш талабларидан орқада қолаётган, жонли ташкилотчилик иши ўрнига қуруқ чақириқлар ва ҳавойи ваъдалар билан шуғулланаётган раҳбар ходимларни дадиллик билан олиб ташлаб, улар ўрнига истеъдодли ташкилотчилар, тажрибали мутахассисларни тайинлай бериш, бунда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларига амал қилиш лозим.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни яхшилашлари керак.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам фан ва техникани ижодий ривожлантириш, янгидан-янги кашфиётлар ва ихтиролар учун чексиз имкониятлар яратиб қўйилган. Жамоатчилик асосида ишловчи ижодий уюшмалар ва ихтирочилар билан рационализаторларнинг 32 минг кишилик армияси техника тараққиётини олға бостиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги икки йил ичида улар салкам 70 миллион сўмлик шартли иқтисодий наф келтирувчи 76 мингта рационализаторлик таклифи киритдилар, 52 та ихтиро қилдилар.

Бу ишнинг кенг қулоч ёзганлиги ва ишлаб чиқариш новаторлари қўшаётган ҳиссса ижодкорларнинг маданий-техникавий савияси ўсганлигидан. уларнинг ҳар бири техника тараққиётида ўз меҳнати билан ҳисса қўшишга интилаётганлигидан яна бир карра далолат бериб турибди. Партия ташкилотлари ўз ишларида шунга эътибор беришлари керак.

КПСС XXIII съезди меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш йўлларини белгилаб берди ва мавкур мақсадга эришмоқ учун янги техника жорий қилишни давом эттириш, меҳнатни илмий ташкил этиш методларидан кенг миқёсда фойдаланиш зарурлигини уқтириб ўтди. Бунинг маъноси шуки, техникадан рационал фойдаланиш, материал ва меҳнат сарфларини ҳар томонлама тежаб-тергаш. иш шароитини янада соғломлаштириш ва енгиллаштириш меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш йўли билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда меҳнатни ташкил этишнинг ролини анча кўтариш лозим.

Саноат ишлаб чиқаришни планлаштиришни янада такомиллаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан ўз миқёси ва моҳияти жиҳатидан катта-катта масалалар кун тартибига қўйилаётган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтирилаётган ҳозирги шароитда бошланғич партия ташкилотларининг роли ошиб бормоқда, уларнинг корхонадаги ишнинг аҳволи, фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этиш учун бўлган масъулияти оргмоқда.

Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, ҳар бир партия органи техника тараққиёти масалаларида алоҳида принципиаллик, саботлилик ва жанговарлик кўрсатиши зарур. Янги. илғор тажрибалар билан ўз умрини яшаб бўлган эскилик ўртасида тинимсиз кураш бораётган, янги машинанинг тақдири ҳал қилинаётган ёки бирон-бир кашфиёт рўёбга чиқарилаётган айни ана шу участкада, худди шу ерда коммунистларнинг бутун кучини жамлаш, худди шу ерда партия ташкилотининг жамики сиёсий ва ташкилотчилик ишини авж олдириб юбориш лозим.

Партия комитетлари техника тараққиётига раҳбарлик қилган вақтда омманинг ижодий ташаббусидан, тажрибасидан тўлароқ фойдаланишлари, ана шу ҳаётбахш жўшқинликни беш йиллик вазифаларини муваффақиятли амалга оширш йўлига солиб юборишлари даркор.

Бу ишда социалистик мусобақа раҳбарлик қилиши, бу ҳаракатни чинакам оммавий. ошкора ва натижали қилиши лозим бўлган касаба союз ташкилотларининг роли катта. Ишлаб чиқариш новаторлари ва рационализаторлар билан олиб борилаётган ишни жонлантириб юбориш, меҳнаткашларнинг бирлашган ижодий уюшмаларн фаолиятини активлаштириш, ҳамма жойда меҳнатчиларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга эришиш зарур.

Фабрика-завод касаба союз комитетлари маъмурият билан биргаликда коллективларнинг ишлаб чиқаришдаги интизомнинг аҳволи учун жавобгарлигини оширишлари керак. Бу нарса 1968 йилги коллектив шартномаларда ўз ифодасини топиши лозим.

Ўзбекистон комсомоли олдида ҳам катта-катта вазифалар турибди. Комсомол ташкилотлари ёшларнинг шижоати ва ғайратини ишлаб чиқаришдаги ички резервларни қидиришга топишга, нобудгарчилик ва бракка қарши курашишга омилкорлик билан жалб этишлари, техника тараққиётини жадаллаштиришга бутун чоралар билан кўмаклашишлари зарур.

Ҳозир бутун советлар диёрида беқиёс сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати мавж урмоқда. Шаҳар ва қишлоқлардаги миллион-миллион меҳнаткашлар. Октябрь 50 йиллиги шарафига бошланган оммавий социалистик мусобақа қатнашчилари улуғ байрамни янгидан-янги меҳнат туҳфалари билан. коммунизм йўлида янгидан-янги зафарлар билан кутиб олишга интилмоқдалар.

Республика партия ташкилотлари илмий техника тараққиётига тагин ҳам кенг имкониятлар очиб бермоқ учун, янги ва прогрессив тажрибаларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этилиши ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама ёрдам бераднган бўлиши учун барча чораларни кўрадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕК МУЗИКАСИНИНГ ОТАХОНИ

КАЙНОҚ ЧАШМА

Бир минг тўққиз юз йигирма уч-йигирма тўртинчи йиллар эди. Андижонда оқшомлари халқ сайллари давом этарди. Ҳали ёш эканман, бу сайлларга жон-дилим билан қатнардим. Созанда ва хонандаларнинг кўнгилга ором бағишловчи қўшиқ ва куйларини завқланиб тинглардим. Шу сайллардан бирн ҳадиҳали ёдимда. Томошабинларнинг ҳисоби йўқ. Том тепалари ёшланглар, хотин-қизлар билан тўлган. Шўх болалар дарахтларга чиқиб олишган. Ҳамманинг диққат-эътибори даврада бутун вужуди билан берилиб қўшиқ айтаётган нуроний кишида, унинг ёнида қадди-қомати келишган бир йигит най чалярди. Янгроқ садо узоқ-узоқларга парвоз этиб кишини сеҳрларди. Ана шунда ўзимдан катталардан сўраб билиб олдим. Қўшиқчи машҳур ҳофиз Муллатўйчи ака, найчи бугун ҳаммамиз юракдан қутлаётган кишимиз Бобакалон бастакор Юнус ака экан.

Орадан йиллар ўтди. Илгари Юнус акани узоқдан кўрган бўлсам кейинчалик бу қалби чашма, куй ва қўшиқ соҳиби билан яқиндан суҳбатлашиш, у билан ҳамкорликда ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Юнус ака мен ёзган «Фарҳод ва Ширин» драмасига композитор Мушель билан бирга ажойиб куй басталади. Бу куйлар халқнинг юрагига яқин, халқнинг орзу-умидларини ифодалар эди. Юнус ака театрда артистлар билан ишлар экан, юрагида борини уларга ўргатишга тиришарди.

Мана бугун Юнус ака Ражабий 70 ёшга тўлди. У сермазмун умрининг деярли ҳаммасини ўзбек музика маданиятини ривожлантиришга, гуллатиб-яшнатишга бағишлади. У ажойиб дилрабо қўшиқлар куйлар яратиш билангина кифояланиб қолгани йўқ. Шошмақомни, неча-неча йиллардан бери халқ куйлаб келаётган қўшиқларни тўплаб, тартибга солиб авлод-авлодларга совға қилди.

Юнус ака ўн йиллар Мўллатўйчи Тошмуҳамедов, домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов, Ҳожи Абдулазиз, Шораҳим Шоумаров сингари ўзбек санъатининг етук намояндалари сафида туриб қўшиқларини халққа бағишлади. Ўнлаб нафис овозли мақомчи, ўнлаб ширали куйлар яратган бастакор шогирдларини тарбиялаб етиштирди.

Бугун Юнус акамизнинг етмиш ёшга тўлган муборак кунида унга сиҳат-саломатлик тилайман. Ижодлари ҳамиша қайноқ чашмадек шошириб турсин, ҳамиша навқирон йигитлардек орамизда қоматларини роз тутиб юрсинлар.

Комил ЯШИН.



ЮРАКДАН ҚУТЛОВ

УСТОЗ

Устоз Юнус ака билан тез-тез учрашиб тураман. Янги қўшиқ яратсам ёки янги пьеса устида иш олиб борсам музика тўғрисида, қўшиқларимнинг оҳанги борасида бастакор мураббийдан маслаҳатлар оламан албатта.

Бир куни Юнус акани радиокомитетда учратдим. Устоз мақомчилар ансамбли билан янги классик куй устида машқ олиб борарди. Бу ерда машҳур хонанда ва созандалар устоз маслаҳатини чуқур ҳурмат билан тинглаб, янги куй машқини кўрикдан ўтказар эдилар. Залда юракка малҳам бўладиган сеҳрли куй янграрди. Гўё олам куйга тўлгандай бўлди. Шу пайтда оҳангларининг сеҳрини, жозибали товланишини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмасди.

Куй давом этарди. Юнус ака ташқарига чиқди. У мамнун кўринарди. Ота дам олишга чиққан эди. Мен отани суҳбатга тортдим. Юнус ака, ажойиб шогирдларингиз бор, қаранг қандай беқиёс куй ва қўшиқларни ижро этмоқдалар, дедим. Ота менга жилмайиб, мамнун қараб қўйди. Мен отадан сўрадим.

— Қанча шогирдларингиз бор, айтиб бероласизми?

Юнус ака куй эшитилаётган залга бир оз қулоқ солиб, музикани хурсанд тинглаб, сўнг жавоб қайтарди.

— Шогирдларим бор, умримнинг кўпчилиги шу ерда, радиокомитетда ўтди. Бу ердаги элга танилган Фахриддин Содиқов, Дони Зокиров, Санджон Калонов ва бошқа бастакорларни менинг шогирдларим десам бўлади.

Мен отага номлари тилга олинган бастакорлар ҳақиқатан ҳам шогирдларингиз дедим. Лекин шогирдларингиз жуда кўп, уларни ҳисоблаб ҳисобига етолмайсиз дедим.

Ота менинг сўзларимга ишонқирамагандай бўлди.

Мен отага, улар ёзган ўзбек музикаси ҳақидаги беш китобларини тилга олдим. Сўнг ана шу сизнинг беш китобингизни ўқиган ҳар бир музикачи, ҳар бир санъат ҳаваскори сизнинг шогирдингиз, дедим.

Ота, раҳмат дегандай жилмайиб қўйди.

Туроб ТЎЛА,
шоир. Ўзбекистон ССРда хизмат, кўрсатган санъат арбоби.

КУЙЛАР СОҲИБИ

Мен бундан ўттиз йил аввал биринчи марта қўлимга рубоб олиб Тошкентдаги халқ чолғу асбоблари оркестрига келганимда бу ерда энг аввало бастакор ва устоз Юнус аканинг номини эшитганман ва улар ижодидан бахраманд бўлганман. 1936 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик кўришда Юнус ака катта ижодий-ташкилий иш олиб борди. Биз ёш музикачиларга халқимизнинг бой музика маданиятини ўргатишда ва уларни москваликлларга таништиришда бевосита мураббий бўлди. У кишининг раҳбарлигида бир қанча янги куйларни ўргандик ва декада кунларида ижро этдик.

Юнус ака ҳозирги вақтда областларимизда ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталикларида қатнашиб кедаётган. Тўхтасин Жалилов номли ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг энг биринчи муаллимларидан бири бўлган. Мен бу ансамблда рубобчи бўлиб ишлаганман. Бу ансамблга бундан 30 йил аввал Юнус ака тез-тез келиб мақомларни бизларга ўргатиб турар эдилар. Бу ансамблнинг ҳозирги бадиий раҳбари, дирижери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Саид Алиев, ансамблнинг кекса созандаси бастакор Ғулом Қўчқоров ва бошқалар ҳам Юнус акани ўз устозлари деб биладилар.

Мен янги куйлар яратсам уларни тингловчиларга тақдим этишдан аввал устозлар, биринчи навбатда Юнус ака мулоҳазасига қўяман. Уларнинг маслаҳатини оламан. Шундан кейингина уларни тингловчиларга тақдим этаман. Юнус ака ўзбек музикачиларининг устозидир. Бутун халқимиз Юнус аканинг етмиш йиллик улуғ ёшини тўй қилмоқда. Юнус ака ҳозирги вақтда биз ўзбек музикасининг кекса ва ёш авлодларига таълим бериб келмоқда. Юнус акани нинг улуғ айём кунида чин юракдан табриклаймиз, умрингиз узоқ, ижодингиз янада порлоқ бўлсин дейміз.

Муҳаммаджон МИРЗАЕВ,
бастакор, Ўзбекистон ССР халқ артисти.



Олим—бастакор ўз фарзандлари—Тоҳир ва Хасанлар билан машғулот ўтказмоқда.
А. Тўраев фотоси.

КЎНГИЛГА ОРОМ

Дилрабо куйлар соҳиби Юнус ака, биз сизни пахтакор мўҳлисларингиз номидан етмиш ёшга тўлган кунингиз билан табриклаймиз.

Сиз бизнинг фахримизсиз, ифтихоримизсиз. Сиз ўзбек халқ музика меросини сақлаб қолиш, уни қалбингиз қўри билан бойитиб, келажак наслларга ҳадя этиш борасида чинакам жасорат кўрсатдингиз. Босиб ўтган улкан ижодий йўлингизда созандалардан, хонандалардан ўнлаб муносиб шогирдлар тарбиялаб етиштирдингиз. Бу соҳадаги олижаноб ишларингиз бебаҳодир, ўзи бир ҳазинадир.

Биз ҳар тонгда сиз яратган, тўплаб меёрига етказган халқ куйларини, мақом садоларини радиодан тинглаб ҳузур қиламиз. Оқшомлари ҳалол меҳнатдан кейин шу куйлар яна кўнгилларга ўзгача наъшида, ўзгача ором бағишлайди.

Отахон бастакор Юнус ака, сиз ва сизнинг шогирдларингиз яратган куйлар, қўшиқлар пахта далаларимизда, уйларимизда, тўйларимизда жаранглаб эшитилади. Ана шунда биз сизни ўзимиз билан бирга, деб ҳис қиламиз. Сиз қўшиқ бошлаганингизда кексалар ҳам, ёшлар ҳам жони-дилидан берилиб тинглайди. Чунки улар юрагимиз тўридан жой олган.

Юнус ака, умрингизга, ижодингизга барака тилаймиз. Сиҳат-саломат бўлинг. Янгиданянги қўшиқларингизни, куйларингизни орзиқиб кутамиз.

М. ИСМАТОВ.
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

Р. ЭШОНХЎЖАЕВ.
колхоз партия ташкилотининг секретари.

МУҒАННИЙ ЯРАТГАН КИТОБ

Халқимиз жозибадор куй ва қўшиқларни жон-дилидан сева ди. Уларнинг моҳир ижодкорларини доимо эъзозлайди. Ана шундай илҳоми жўш урган атоқли бастакорларимиздан бири Юнус ака Ражабий бўладилар.

Таъбир жоиз бўлса бастакоримиз яратган қўшиқ ва музикалар улкан санъатимиз хазинасига арзигулик дурлар бўлиб қўшилди. Дарвоқе, Юнус ака яратган асарларни тинглаб кишининг завқи ортади. «Ижодингизга балли» деб юборасан беихтиёр!

Бастакор асарларининг бунчалик қалбларга яқинлиги унинг халқ ҳаёти билан, музика дунёси билан нақадар яқин эканлигини кўрсатиб турибди. У ижро этган халқ мақомлари, басталаган қўшиқлари, музикали драмалари ўзининг жўшқинлиги ва майинлиги билан ҳаммани мафтун этмайди дейсизми!

Юнус ака музика дунёсини беш қўлдек билади. Бунга севимли бастакоримиз тўплаган музика дурдоналари яққол мисол бўла олади. У беш жилдлик халқ куйлари ва қўшиқларини тўплади. Бу беш жилдликнинг ҳар бири бир хазина. Бу куй ва қўшиқлар музика санъатимиз хазинасидан муносиб ўрин олган.

Бастакор яна бир катта ишга қўл урди. У ҳам бўлса олти жилдли «Шошмақом» китобидир. Юнус аканинг бу китоблари ўзига хос катта илмий-тадқиқот характерига эга. Шунинг учун ҳам севимли бастакоримиз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига академик қилиб сайланди.

Устоз олим сифатида Юнус ака кўп санъаткорларга мураббийлик қилиб келмоқда. Унинг шогирдлари халқимиз дилига мос келадиган жозибадор куй ва қўшиқлар ижодкорларидир. Уларнинг асарларида ҳам ўзига хос латофат акс этиб турибди.

Бугун биз севимли бастакоримиз академик Юнус ака Ражабий юбилейини нишонлаяпмиз. Шу қутлуғ кунда ҳаммамиз учун азиз бўлган ижодкорга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз. Ижодингиз камол топаверсин, Юнус ака!

М. БАҲОДИРОВ,
И. ФОЗИЛОВ,
доцентлар.



Юнус Ражабий касбдошлари—созанда ва бастакорлар билан суҳбатлашмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ОЛИМ ВА БАСТАКОР

Мана, бугун таниқли санъаткор ва олим Юнус Ражабий етмиш ёшга кирди. Партия ва ҳукуматимиз Юнус Ражабийнинг қилган улкан хизматларини тақдирлаб, унинг кўксига яна бир олий мукофот—Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақди. Ўзбек халқи ўзининг севимли фарзандларидан бири—Юнус Ражабийни етмиш йиллиги ва олий мукофот билан муборакбод этиб, унга яна узоқ йиллар умр кўришни, музика ижодиётида янги-янги саҳифалар очишни астойдил истамоқда.

Юнус Ражабий Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси; республикамиз халқ артисти; таниқли бастакор. У ажойиб педагог ва хонанда. Юнус Ражабийнинг санъаткор ва олимлигини унинг нашр этилган китобларидан, у яратган куй ва қўшиқлардан, ўзи ижро этадиган ашулалардан биламиз.

Шуниси қизиқки, Юнус ака революциядан олдин санъаткор бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган. У ота касбини эгаллаш мақсадида 1910 йилда қассобларга шогирд тушади. Бироқ қўлқ ишдан бўшаган дамларда уни қуй-қўшиқ садоси янграган жойлар ўз багрига чорларди. Шу тариқа Юнус ака халқимизнинг бой музика меросини ўрганиб боради. Бу соҳада унга хусусан камончи Имомжон Исроилов, ашулачи Шораҳим Шоумаров яқиндан ёрдам берадилар.

1919 йилда Тошкентда музика билим юрти очилади. Унга ўқитувчи сифатида бошқалар қатори Юнус ака ҳам таклиф қилинади. У устози Шораҳим Шоумаров билан биргаликда машқ дарсларини олиб боради. Ўзи ҳам музикавий билимини чуқурлаштиради, музика санъатининг янги-янги турларини, ҳали номаълум қўшиқ ва куйларни ижро этиш усул ва йўлларини ўзлаштиради. Хусусан таниқли музикашунос ва композитор В. А. Успенский раҳбарлигида нота ёзувини ўрганиши, рус музика санъатининг намуналари билан таништиш унинг ижодида катта бурилиш ясайди, Шораҳим Шоумаров билан биргаликда, 1922 йилда Свердлов номли театрда саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» спектаклини музикавий жиҳатдан жиҳозлашга имкон беради.

Спектакль ва концертлардаги ижодий муваффақиятлардан кейин Юнус ака ўз тақдирини бир умрга ўзбек совет музика санъати билан чамбарчас боғлади. У билим юртини тугатгандан сўнг Самарқандга—музика мактабига муаллим қилиб юборилди. Ўша даврдаги мактабда Юнус акадан Дони Зокиров, Набн Ҳасанов, Қори Сирож каби истеъдодли музиначилар таълим олади. Юнус ака ўқитувчилик қилиш билан ўзбек музикасини ўзлаштириш билимини мустаҳкамлашни давом эттирди. Бу борада унинг машҳур бастакор, хофиз ва дуторчи Ҳожи Абдулазиз билан учрашуви ва у билан бир ҳовлида уч йил истиқомат қилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Юнус ака ўзбек классик ва халқ музикасининг билимдони Ҳожи Абдулазиздан машҳур Бухоро шошмақомини ўргана бошлайди.

— Концертдан ёхуд бирор маросимдан қайтганимиздан кейин,—дейди Юнус Ражабий,—ҳаммамиз—Ҳожи бобо, акам ва мен бир уйда тунардик. Ҳожи бобо ижро этган ашулалардан шунчалик таъсирланар эдимки, ухлагача уйқим келмас эди. У киши айтган ашулалар хотирамда мустаҳкамроқ сингиб қолиши учун уларни секин куйлаб такрорлардим.

Мақомнинг мазмунан бойлиги, оҳангининг нафислиги, фалсафий моҳияти Юнус акани катта ижодий изланишларга ундайди. Тинимсиз ва изчил қидиришлар уни мақомлар мақони Бухорога олиб келади. Юнус ака бу ерда Ота Жалол ва Уста Шоди, Қори Камол, Қори Назим, Абдусамад Бегижон каби ўзбек ва тожик халқлари орасида донг чиқарган моҳир маромов, ашулачи Шораҳим Шоумаров яқиндан ёрдам берадилар.

Шуниси қизиқки, Юнус ака революциядан олдин санъаткор бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган. У ота касбини эгаллаш мақсадида 1910 йилда қассобларга шогирд тушади. Бироқ қўлқ ишдан бўшаган дамларда уни қуй-қўшиқ садоси янграган жойлар ўз багрига чорларди. Шу тариқа Юнус ака халқимизнинг бой музика меросини ўрганиб боради. Бу соҳада унга хусусан камончи Имомжон Исроилов, ашулачи Шораҳим Шоумаров яқиндан ёрдам берадилар.

1919 йилда Тошкентда музика билим юрти очилади. Унга ўқитувчи сифатида бошқалар қатори Юнус ака ҳам таклиф қилинади. У устози Шораҳим Шоумаров билан биргаликда машқ дарсларини олиб боради. Ўзи ҳам музикавий билимини чуқурлаштиради, музика санъатининг янги-янги турларини, ҳали номаълум қўшиқ ва куйларни ижро этиш усул ва йўлларини ўзлаштиради. Хусусан таниқли музикашунос ва композитор В. А. Успенский раҳбарлигида нота ёзувини ўрганиши, рус музика санъатининг намуналари билан таништиш унинг ижодида катта бурилиш ясайди, Шораҳим Шоумаров билан биргаликда, 1922 йилда Свердлов номли театрда саҳналаштирилган «Фарҳод ва Ширин» спектаклини музикавий жиҳатдан жиҳозлашга имкон беради.

Спектакль ва концертлардаги ижодий муваффақиятлардан кейин Юнус ака ўз тақдирини бир умрга ўзбек совет музика санъати билан чамбарчас боғлади. У билим юртини тугатгандан сўнг Самарқандга—музика мактабига муаллим қилиб юборилди. Ўша даврдаги мактабда Юнус акадан Дони Зокиров, Набн Ҳасанов, Қори Сирож каби истеъдодли музиначилар таълим олади. Юнус ака ўқитувчилик қилиш билан ўзбек музикасини ўзлаштириш билимини мустаҳкамлашни давом эттирди. Бу борада унинг машҳур бастакор, хофиз ва дуторчи Ҳожи Абдулазиз билан учрашуви ва у билан бир ҳовлида уч йил истиқомат қилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Юнус ака ўзбек классик ва халқ музикасининг билимдони Ҳожи Абдулазиздан машҳур Бухоро шошмақомини ўргана бошлайди.

— Концертдан ёхуд бирор маросимдан қайтганимиздан кейин,—дейди Юнус Ражабий,—ҳаммамиз—Ҳожи бобо, акам ва мен бир уйда тунардик. Ҳожи бобо ижро этган ашулалардан шунчалик таъсирланар эдимки, ухлагача уйқим келмас эди. У киши айтган ашулалар хотирамда мустаҳкамроқ сингиб қолиши учун уларни секин куйлаб такрорлардим.

Мақомнинг мазмунан бойлиги, оҳангининг нафислиги, фалсафий моҳияти Юнус акани катта ижодий изланишларга ундайди. Тинимсиз ва изчил қидиришлар уни мақомлар мақони Бухорога олиб келади. Юнус ака бу ерда Ота Жалол ва Уста Шоди, Қори Камол, Қори Назим, Абдусамад Бегижон каби ўзбек ва тожик халқлари орасида донг чиқарган моҳир мақомчилар билан учрашади, улардан мақомларнинг тугилиш ва ижро этиш асосларини ўрганади, олдин билганларини мукаммаллаштиради; улар билан биргаликда айримларини ижро этади.

Юнус ака Самарқандга қайтгач 1925 йилда маҳаллий театрда саҳналаштирилган «Абулфайзхон», «Аршин мол олон», «У бўлмаса, бу бўлсин», «Фарҳод ва Ширин» каби қатор спектаклларни музикавий жиҳатдан мустақил жиҳозлайди.

Юнус ака ўзбек музикасини билиш, санъаткорга хос хусусиятларга эга бўлиш билан биргаликда, катта ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга. Шунинг учун ҳам, уни 1927 йилда Тошкент радиоэшиттириш комитети ҳузурида ўзбек ашула ва чолғу ансамблини ташкил этишга таклиф қилишади. Юнус ака ўзи билан аввал ишлаган халқ орасида танилган Ш. Шоумаров, Р. Ражабий, И. Икромов каби хонанда ва чолғучилардан ўн нккн кишидан иборат ансамбль тузади. Орадан кўп ўтмай унинг ташаббуси билан ансамблга Мўлла Тўйчи, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдураҳмон Умаров, Сафо Муғаний сингари машҳур хофиз ва созандалар тортилади. Вақт ўтган сари ансамбль мустаҳкамланиб, кучли ижодий коллективга айланади. Юнус ака ансамблнинг бадиий раҳбари сифатида концертлар уюштириш, ўзбек музикасини кенг тарғибот қилиш билан биргаликда миллий музика меросини тўплаш ва мустақил ижод борасида ҳам катта иш бошлайди. У йигирманчи йилларнинг охирида турли мавзу ва жанрларда бир қатор ажойиб қўшиқлар яратади. «Раҳоланма с у н», «Бирлашинг», «Фабрика ялласи» шулар жумласидан.

Юнус ака ўзининг ижрочилик ва бастакорлик маҳоратини ошириш мақсадида 1934 йилда Москвага ўқишга боради, 1935 йилда эса, Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсига кириб, музика назарияси ва гармония бўйича билимини чуқурлаштиради. Олинган таълим ва ижодий изланишлар ўз натижасини бера бошлайди. Юнус ака ўқиш жараёнидаёқ «Октябрдан олдин ва кейин» номли адабий-музикали эшиттиришга куй-қўшиқлар яратади. Ўқиш тугаши билан икки овозлик «Ғалаба» хорини ёзади, «Сегоҳ» ва «Уфори мушкулотн сегоҳ»ни симфоник оркестрга мослаштиради. Москвада 1937 йилда ўтказилган ўзбек санъати ва адабиёти декадасида эса, уч қисмдан иборат халқ куйлари асосида яратган сюитаси билан қатнашади. Декададан кейин Юнус ака ўз ансамбли билан республикамиз бўйлаб гастролларга чиқиб, концерт фаолиятини кучайтиради. Хусусан катта Фарғона канали қурувчилари ҳузурида узоқ вақт бўлиб, улар учун махсус программалар тайёрлайди. Юнус ака бу ҳизматлари авазига 1939 йилда «Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган фахрий унвонни олишга муяссар бўлади.

Юнус ака гарчи таниқли ва тажрибали санъаткор бўлса ҳам, ўз билими ва маҳоратини такомиллаштириш устида г н ишини доимо давом эттириб боради. 1941 йилда Москвага малака ошириш курсига бориб профессор —Г. Литинский, Б. Беляев, санъатшунослик фанлари доктори В. Цуккерман каби устозлардан таълим олади. Ватан уруши бошланиши муносабати билан Тошкентга қайтиб, ҳозиржавоблик билан «Қаҳрамонлар марши», «Ўлкамиз», «Ўзбекистон», «Ватан» каби юксак ватанпарварлик, фуқаролик туйғулари билан суғорилган қўшиқлар яратиб, халқимизни курашга, она-Ватанни босқинчилардан ҳимоя қилишга чорлайди.

Ашула ва чолғу ансамбли ўзбек давлат филармонияси ихтиёрига ўтганлиги муносабати билан Юнус Ражабий Янгийўл область музикали драма театрида музика раҳбари бўлиб ишлайди. Бу ерда у «Қасос», «Қўчқор Турдиев», «Нодира» ва «Муқанна» драмаларига музика басталайди.

Улуғ Ватан уруши тугагандан кейин Юнус Ражабий яна радиокомитет ҳузурига келиб, қайта ансамбль тузиб, аввалгидек фаол иш бошлайди. Бу гал ансамблга музика билим юрти ва Тошкент консерваториясини тугатган профессионал истеъдодли ёшлар, жумладан таълимотини олган Д. Зокиров, Н. Ҳасанов каби мелодист-композиторлар, шунингдек К. Жабборов, С. Калонов, Ғ. Тошматов, Ж. Султонов, Ф. Содиқов каби моҳир созанда ва хонандалар кириб келади. Бу ҳол ансамблга ўзбек классик ва халқ музика асарларинигина эмас, ҳозирги замон композиторларнинг кўповозли, мураккаб асарларини ҳам бемалол ижро этиш имконини берди. Ҳозир эса Юнус ака мақомчилар ансамблига раҳбарлик қилмоқда.

Юнус Ражабий кўп йиллар давомида созандалик, хонандалик, бастакорлик, шогирд тайёрлаш ва бадиий раҳбарлик ишларини олиб бориш билан бир қаторда халқимизнинг музика меросини тўплаш масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Юнус аканинг бу шарафли ва бебаҳо иши зое кетмади—тўпланган классик ва халқ куй-қўшиқлари, рақс ва яллалар, лапар ва ашулалар, ҳатто мелодист-композиторлар томонидан ва ўзи басталаган асарлар мажмуаси нашр этилган тўққиз томдан иборат «Ўзбек халқ музикаси» номли тўпламларда ўз ифодасини топди. Бу китобларда фақат нодир куйларгина эмас, Хўжа Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бобир, Муқимий, Фурқат каби классикларнинг ажойиб шеър ва ғазаллари билан бир қаторда номи бизгача етиб келмаган халқ шоирларининг ноёб шеърлари ҳам тўпланган. Бу китоблар ўзбек халқининг асрлар бўйи яратган музика санъатига ўрнатилган ажойиб ёдгорликдир. Улар келажак миллий музика маданиятимизнинг равнақи учун битмас-туганмас хазина бўлиб хизмат қилади. Юнус Ражабий ана шу хизматлари учун 1953 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвонини олишга муяссар бўлди, 1966 йилда эса, уни республикамиз Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайлашди.

Юнус Ражабий етмиш ёшга тўлди. Шундан ярим асри миллий музика санъатимиз ва ўзбек музика фанининг тараққиёти учун сарфланди. Гарчан ҳурматли устоз, бастакор ва олим Юнус акамиз шунча ёшга кирган бўлсалар ҳам, ҳали қўлларидан дутор ва қалам тушгани йўқ. Ҳали у киши бизни янги куйлар дунёсига олиб кирадилар, ҳали музикамиз тарихидаги номаълум ва нодир саҳифаларни очадилар.

Ф. ЖЎРАЕВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакциясн беш кунлик иш ҳафтасига ўтганлиги муносабати билан газета якшанба ва душанба кунларидан ташқари ҳамма кунларда чиқарилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси. 18.00—Телеянгиликлар. 18.20—Янги мактаб учун раҳмат!. 18.40—Илк ҳосил (қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун). 19.00— **Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги, композитор Юнус Ражабий туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган юбилей кеча А. Навоий номидаги театрдан олиб нўрсатилади.** 20.00—Ёшлик студияси кўрсатади. Тенгқурлар. 20.15—Тўрт таннчи ва ит (телевизион бадиий фильмнинг иккинчи серияси). 21.10—Телеянгиликлар (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

21.20—Телеянгиликлар. 21.40—Фаннинг революцион марши. 22.00 Москвада Молдавия ССР ҳафталиги. Кремль Съездлар саройидан концерт олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси. 18.00—Бувим ухлаётган пайтда (болалар учун телефильм). 18.20—500 километр хужжатли фильм). 18.40 — Атрофтеваранда яшайди инсон (телефильм). 19.00 —Ванда Васнлевская ҳақида (ҳужжатли фильм). 19.20—Болтиқ бўйи куйларидан концерт (қўрувчилар учун).

Ўзбек тилида: 20.00—Телеянгиликлар. 20.15—Сардоба йўлларида (адабий театр. Новеллалар). 20.40 Концерт. 21.10—Дон қиссаси (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—Эшиттиришлар программаси. 18.00—Вова ва сеҳргар ҳақида қисса (қўғирчоқ фильм). 18.35—Сен ёлғиз эмассан (телефильм). 19.40—Телеянгиликлар. 19.50—Одесса чарогони. 20.35—М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан Егор Булычев ва бошқалар (фильм-спектакль).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Танарацуни қизлари—«ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Нафосат—НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи). «ДРУЖБА» (тоғ соатларда).

Венгер бойи—«МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Одам—амфибия — «ДР У Ж В А» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Нафосат—«ХИВА», НАВОИЙ номли.

Танарацуни қизлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 02077.
Индекс — 64697.
А. 1739.